*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 11 (20 278) • 1989 йил 13 январь, жума • Бахоси 3 тийин.

## ЯХШИ ХИЗМАТ— ЯХШИ КАЙФИЯТ,

*бу савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ишни меҳнаткашлар талаблари асосида ташкил этишга боғлиқ*

Ижтимоий ҳаётимизда савдонинг аҳамияти катта. Турмушимиз фаровонлигию, дастурхонимиз тўкинлиги, кайфиятимиз кўтаринкилиги ҳам қандай хизмат кўрсатилаётганлигига боғлиқ. Шубҳасиз юзлаб магазин, кафе ва ошхоналарда бизга қилинаётган хизмат, муомала руҳиятимизни кўтаради, унумли ва самарали меҳнат қилишга кўмаклашади.

Қаерда юксак савдо маданияти йўлга қўйилган, харидорларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида иш юритилаётган бўлса, ўша ерда дуруст иш натижаларига эришилмоқда. Республикамизда талабчанлик муҳити қарор топган бундай савдо ва умумий овқатланиш корхоналари анчагина. Ишлаб чиқариш билан яқиндан алоқа қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги Марказий универсал магазини, хизмат савиясини кўтариш учун курашаётган Қоракўл, Балиқчи, Хонқа районлари матлубот союзлари, Тошкент шаҳридаги бир қатор умумий овқатланиш корхоналари товар оборoти ва савдо планларини ортиғи билан адо этиб келмоқда.

Партиямизнинг XXVII съездида шу беш йилликда истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш, чакана товар оборoти янада юқори суръатлар билан ўсишини таъминлаш, шунингдек, савдо ва умумий овқатланишни ташкил этишни анча яхшилаш лозимлиги таъкидланган эди. Шубҳасиз бу борада муайян ютуқлар бор. Озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаб сотиш қўлланилаётганлиги, меҳнаткашларнинг талаб, буюртма ва тўровларини бажаришни йўлга қўйиш, ўз-ўзини бошқариш принципларини қайта тиклаш, магазин мудирлари, умумий овқатланиш корхоналари, тайёрлов пунктлари ва кооператив муассасаларни раҳбарларини пайчилар томонидан сайлаш практикаси қўллана бошланганн ана шулар жумласидандир. Маъмурий йўл билан раҳбарлик лавозимларига қўйиш практикасини камроқ қўллаш, уларни сайлашда кўпчиликнинг истак-хоҳишини кўпроқ инобатга олиш ҳақидаги мулоҳазалар эътиборга лойиқ. Иш юритишга бундай ижодий муносабат савдо маданиятини оширишга хизмат қилиши табиий.

Аммо тажриба шуни кўрсатмоқдаки, савдо ва умумий овқатланиш тармоғида мавжуд жуда катта имкониятлардан, унинг йирик иқтисодий ва кадрлар потенциалидан ҳали тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Кооператив хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган тўққизинчи сессияси, Савдо министрлиги ва Ўзбекбирлашув кенгашларида ҳаққоний айтиб ўтилганидек, ишларни қайта қуриш ғоят қатъиятсизлик билан амалга оширилмоқдаки, бунга тоқат қилиб бўлмайди. Савдо-сотиқ яхши ташкил этилмаганлиги, унинг моддий-техника базаси етарли даражада эмаслиги бир қатор коллективларда товар оборoти плани бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда.

«Совет Ўзбекистони»га келаётган хат-хабарлар жойларда кўрсатилаётган хизмат маданиятини кўтариш, харидорлар ва хўрандалар учун қулай шарт-шароит яратиш ўрнига уларга қўпол муносабатда бўлиш, кўпчиликнинг ҳақидан уриб қолиш ҳоллари ҳам содир бўлаётганлигидан далолат бермоқда. Жиззах районидаги бир қатор магазинларда камёб молларни пештахта остидан устама ҳақ қўйиб сотиш ҳоллари мавжуд. Назоратчилар Марҳамат районидаги 21-магазинда аъло нав кўк чой ва шакар харидорлардан яшириб қўйилганлигини фош этишди. Андижон районидаги Хартум савдо комплексининг директори Н. Хонкелдиевнинг қилмиши, айниқса меҳнаткашлар нафратига сабаб бўлди. У савдо учун келтирилган 50 тонна шакарни яшириб оширилган нархда сотаётганида қўлга тушди. Савдо корхоналари ва ошхоналарда ўғирлик ва камомад ҳолларини кўрсатувчи бундай мисоллар оз эмас.

Кейинги вақтда актив фаолият кўрсата бошлаган ишчи назорати комиссиялари ҳам бу соҳаларда тартиб-интизом бўшлиги, иш соатига риоя этилмаётганлиги, тегишли қонун-қоидаларга зид иш қилинаётганини кўрсатувчи хатоликларни очиб ташладилар. Самарқанд районидаги Янгийўл матлубот жамиятига қарашли 1-магазинда товарларнинг нархи ёзиб қўйилмаган. Магазинда ҳатто 1982 йилда тайёрланган шарбатлар билан савдо қилинаётган экан. Наманган шаҳридаги шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг ошхонасида меҳнат умуман амал қилинмаётганн, масаллиғдан уриб қолинаётганн фош этилди. Кооператив ошхоналарда ғоҳо нархнавони белгилаш ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда, овқатни қонунсиз йўл билан олиниган давлат маҳсулотларидан тайёрлаш ҳоллари оз эмас. Бу мисоллар тармоқда назоратни кучайтириш, талабчанликни ошириш, муттаҳамлик ва текинхўрликка қарши курашни кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Кўриниб турибдики, тармоқда хизмат кўрсатиш маданиятини оширишнинг ўзи ва бирмунча шуғулланиш лозим. Бунинг учун савдода ошкоралиқни таъминлаш, ишни оқилона ташкил этиш, ходимларни аттестация қилишга талабчанлик билан ёндашиш лозим. Шунга эришиш керакки, савдо корхоналарининг раҳбарлари харидорлар билан ишлашда ўзларида катта масъулият сезсинлар, йирик универмаг ва универсамлар, умумий овқатланиш корхоналари раҳбарлари меҳнаткашлар ўртасида ўз ишлари ҳақида бот-бот ҳисоб бериб турсинлар, илғор тажрибаларни оммалаштиришга бағишланган йиғилиш ва кенгашлар тез-тез ўтказиб турилсин. Кооперация ҳақидаги янги қонун талабларига кўра планлаштириш ишларига ижодий ёндашиш савдо-сотиқни ташкил қилишда давлат савдоси ва матлубот кооперацияси товар ресурсларидан фойдаланишни уйғунлаштириш вақти келди. Йирик корхоналарда ва унинг атрофида савдо тармоқларини кенгайтириш билан жиддий шуғулланиш лозим.

Барча соҳаларда бўлганн сингари савдода ҳам ишнинг муваффақиятини аввало кадрлар ҳал қилади. Бу борада маҳаллий Советлар ўзига берилган ваколат ва имкониятдан ўринли фойдаланиши муҳимдир. Советларнинг тегишли комиссиялари, халқ депутатлари кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан изчил шуғулланишлари, кенг жамоатчилик назоратини кучайтиришга бош-қош бўлишлари талаб этилмоқда. Ҳар бир савдо ходими тармоқ экономикасини, харидорларнинг табиатини чуқур билиши, ишни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариши лозим.

Савдо корхоналарининг партия ташкилотлари касаба союзлари ва комсомол ташкилотлари билан ҳамкорликда меҳнат коллективлари ва савдо ходимлари ўртасида социалистик мусобақани кенг йўлга қўйишлари бугунги кунинг актуал талабидир. Товар оборoти планларини бажариш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат маданиятини оширш бу мусобақанинг энг муҳим кўрсаткичи бўлиб қолмоғи лозим.



## ПУХТА ЗАМИН

Боғот районидаги «Боғот» совхозининг моҳир пахтакори Қодир Оллоберганов бошлиқ коллектив аъзолари кейинги йилларда «оқ олтин»дан мўл ҳосил олишда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бунинг сабаби бригададаги ҳамма ишлар пудрат асосида олиб борилаётганлигидадир. Коллектив ана шундай илғор усулда ишлагани учун ўтган йили ҳам юксак маррага эришди. 194 гектар майдонда деҳқончилик қилган пахтакорлар пландаги 601 тонна ўрнига 790 тоннадан ортиқ пахта етиштиришди ва йиллик плания анча ортиғи билан бажаришди. Мўлжалдаги 431 минг сўмлик ўрнига 592 минг сўмлик даромад олинди.

Бригада пахтакорлари янги йилга янада қутлуғ режаларни кўзлаб қадам қўйдилар. Дастлабки кунларданоқ кўкламги экиш мавсумига тайёргарлик қизитиб юборилди. Айни вақтда улар майдонларни текислаш, далаларга яхоб суви бериш, тупроқ шўрини ювиш билан шуғулланмоқдалар. Маҳаллий ўғитлар тўплаб, дала бошига ташиб келтираётирлар.

Суратларда: 1. Моҳир сувчи Нурулла Абдиев, совхоз партия ташкилотининг секретари Юсуфбой Матёқубов ва ишчи Кенжа Болтаев. 2. Далаларга яхоб бериш пайти.

Ш. ИБРОҲИМОВ фотолари.

• ТАҲЛИЛ ВА САБОҚ

## ЛОҚАЙДЛИК ПАНД БЕРАДИ

**ЙИЛНИНГ БОШЛАНИШИ, ЖУМЛАДАН ТЕХНИКА РЕМОНТИГА МУНОСАБАТ, БАҲОРГИ ИШЛАРГА ТАЙЕРГАРЛИК ПАСТДАРҒОМ РАЙОНИДА ЎТГАН ЙИЛГИ КАМЧИЛИКЛАРДАН ТЕГИШЛИ САБОҚ ЧИҚАРИЛМАЁТГАНИНИ КЎРСАТМОҚДА**

Район қишлоқ хўжалигида ўтган йили бир қатор жиддий хатоларга йўл қўйилди. Оқибатда пахта плани барбод бўлди. Машина терими юзасидан белгиланган план, қайд этилган рақамлар қоғозда қолиб кетди. Нега бундай ҳол юз берди?

— Агротехникада хато қилдик, — дейди «Ленинобод» колхози правлениеси раиси Мирзаёр Худоёров — Пахтамиз кечки бўлди.

— Аслида ҳам шундайми?

— Биз техникага таяндик. Шу боис областда биринчи бўлиб планни бажардик, — дейди Ленин номли совхоз директори Шарифбой Раимқулов.

Дарҳақиқат Пастдарғом районининг ўзида фақат шу хўжалик зиммасидаги топшириқни адо этди. Аммо Большевик райони ҳам унга қўшиб берилгач, ғолиб хўжаликлар сони тўрттани ташкил этди. Хулоса, қилмоқ, сабоқ чиқармоқ учун ана шу тўрт хўжаликда истаганча тажриба, ибратли ишлар, дадил ҳаракатлар, соғлом фикрлайдиган кишилар бор. Бу — катта манба.

Масалан, Ленин номли совхозда машина-трактор парклари замонавий. Унумли меҳнат қилиш учун шароит етарли. Яхши дам олишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хўжалик раҳбари агросаноат ходимлари касаба союзи Бутуниттифоқ Марказий Комитети Пленумидан қайтгач, бош инженер Эгамберди Акрамовдан техника аҳволини сўради.

— Уч кунда 21 та сеялка тақилди, — деди у.

— Демак, механизаторлар, ремонтчилар сўзларининг устидан чиқишибди-да, сифатчи?

— Комиссия қабул қилди.

— Энди биз ҳам сўзимизда турайлик, — деди директор. Шу куни у 30 нафар механизаторни касаба союз ҳисобидан Москвага, беш кунлик саёҳатга жўнатиш ҳақидаги таклиф маъқулланганини маълум қилди. Ҳа, ҳамма нарса кайфият билан боғлиқ. Совхоз янги уйларни қуриб битирди. Иккитасини механизаторга, яна иккитасини шоферга беришди.

Бу хўжалик ўтган йили 2210 тонна пахтани машинада териб олишни планлаштирган эди. Механизаторлар эса 2683 тонна «оқ олтин»ни агрегатлар бункеридан тўкишди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди.

— Бугун 31 та пахта териш машинасини ҳам ремонт қилиб қўйишга имконият бор, — дейди бош инженер, — аммо эҳтиёт қисм йўқ. Шпиндель, счетка зарур. Ҳар куни базага қатнаб хабар олиб турибмиз.

Хўш. «Ленинобод»да аҳвол қалай? Трактор паркига келганимизда ёмғир аралаш қор ёғиб турган эди. Ҳаммаёқ лой. Юриб бўлмайди. Лойга ботиб кетганимизни кўриб на раис, на инженер уялди. Чунки бу улар учун табиий эди-да.

— Механизмлар қаерда ремонт қилинади? — ажабланиб сўрайман бош инженер Расул Худоёровдан.

— Шу ерда.

Очиқ ҳавода-я. Ахир на айвон, на устахона бор?

— Совуқда ичкарига кириб исинишади.

— Дам олиш хонаси қурилмаган, — дея қўшимча қилди раис, — чала ётган қурилишга қараб.

— Ўтган йили механизаторлар машинада жуда оз пахта теришибди. Улар билан суҳбатлашмоқчийдик.

— Саккизтасини отпускага жўнатдим, — деди инженер, — қишлоқда аза бўлган, тўрттаси ўша ерда.

— Қолганлари-чи? Катта бир колхозда бор-йўғи 12 нафар тракторчи борми?

Саволимиз жавобсиз қолди. Бизни кўриб нима қилишларини билмай, қўлларига белкурак олиб, кўлмак сувларни нари-бери оқизишга, тўкиб қўйилган қумни текислашга уринган кишилар билан суҳбатлашдик. Слесарлар Учқун Раҳмонқулов, Чори Бобоқулов, Усмон Махмаризаев, пайвандловчи Қозоқ Зариповдан бошқа юмуш йўқми, деб сўраганимизда, улар бараварига ёғин-сочин остида ётган тракторларга қарашди.

— Асосий қисмларни ечаяпмиз, — изоҳ берди инженер.

— Эртага Жомбой районига ремонтга юборамиз. Сеялкаларни ҳам тақиб қўямиз.

— Изгиринли кунларда очиқ жойда қандай ишлайсизлар?

— Ишни қишга қолдирмаймиз.

Ҳа, 3 январь куни ҳам бош инженер ҳали қиш кириб келганини сезмаганди. Умуман техника қор-ёмғир остида ётгани, одамлар очиқ ҳавода ишлашаётгани кишини таажжубга солади. Ваҳолонки, бу хўжаликда ўтган йили пахта тайёрлаш плани 66 процентда қолиб кетди. Машина терими эса мўлжалдагидан тўрт баробар кам бўлди. Умуман райондаги аксарият хўжаликларда шу аҳвол. РАПО раҳбарлари билан суҳбатлашмоқчи эдик, ҳеч кимни топа олмадик. Район партия комитетининг шу соҳа билан шуғулланадиган вакили Шавкат Шамсиевга мурожаат қилдик.

— У бизга техника ремонтининг 1988 йилнинг 1 декабригача бўлган аҳволи ҳақида маълумот тутқазди. Орадан бир ой вақт ўтганлигини эслатганимизда:

— Барибир маълумотда ўзгариш йўқдиров, — деди райком вакили талмовсираб.

— Наҳотки қарийб бир ой мобайнида ҳеч қандай иш қилинмаган бўлса...

— Бу хўжалик иши, уни РАПОга бериб қўйганмиз. Бу ерда бошқа ташвишларимиз ҳам кўп. Истасангиз статистика бўлимига одам юбораман.

У кишига раҳмат айтдигу, ўйланиб қолдик. Наҳотки, райкомнинг қишлоқ хўжалик бўйича вакили аҳволдан бехабар бўлса? Мана, сизга хўжалик ишига партиявий раҳбарлик?

Балки район партия комитети вакил зиммасига «Ленинобод» колхози правлениесида бўлганидек, бошқа вазифа юклагандир. Чунончи хўжалик правлениеси партия, касаба союз ва комсомол комитетларининг кузги-қишки юмушларни уюштиришдаги иштироки ҳақида тадбирлар белгилаганда шундай иш тутибди. Тадбирларнинг 7-бандини айнан келтирамиз: «Колхозда маҳаллий ўғит тўплаш мақсадида комсомол-ёшлар бригадаси тузилиб, бутун техникани гўнг тўплашга жалб этиш колхоз комсомол комитетининг секретари И. Абдуллаевга топширилсин.

Районда вазифалар тақсимотининг бундай ғаройиб усулини кўриб «қойил» қолмай иложингиз йўқ. Аслида буларнинг ҳаммаси одамларга вазифасига қараб иш тақсимлашга лоқайдлик оқибатидир. Лоқайдлик эса бир куни албатта панд беради.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

## ДАСТЛАБКИ ЮТУҚ

✦ Заводимиз коллективи маҳсулотнинг янги турн — бир вақтнинг ўзида беш хил иш жараёнини бажара оладиган манипулятор ишлаб чиқара бошлади. У ем-хашак тўплайди, транспортга юклайди ва туширади. Шаҳар хўжалигида эса ундан ахлатларни машиналарга ортишда фойдаланиш мумкин.

Янги техника завод бош инженерининг ўринбосари А. Никоранинг таклифи асосида яратилган. Унинг тажриба намунасини тайёрлашда электр пайвандчи В. Лазавой, йиғувчи слесарлар В. Глебов, А. Тарнинов ва В. Яблоков фаол иштирок этдилар. Янги техниканинг яратилиши завод ишчи ва хизматчиларининг хўжалик ҳисоби шароитида қўлга киритган дастлабки ютуғидир.

Р. ҲОЛИҚОВ,
«Андижанирмаш» заводи ишчиси.

26 март— СССР халқ депутатлари сайлови куни

## ЮКСАК ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

«Узградострой» бирлашмаси Нукусдаги уйсозлик комбинатида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишида корхонанинг 400 дан кўпроқ меҳнатчилари қатнашдилар.

Биринчи бўлиб, корхона бошланғич партия ташкилотининг секретари В. И. Жагорин сўз олди. У СССР халқ депутатлигига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев номзодини кўрсатишни таклиф қилди.

Токарь Р. Хамидуллин, кранчи Т. М. Макарова, ишчи У. Холмуротова ва сўзга чиққан бошқа кишилар бу таклифни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш қатнашчилари 611-Нукус территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига Владимир Петрович Анишчев номзодини кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

* * *

Тахиатошдаги савдо-иқтисод техникуми залида тахиатошликларнинг сайловолди йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 527 киши қатнашди.

Шаҳар халқ таълими бўлимининг инспектори Л. У. Ражапова йиғилишда сўзга чиқиб, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликовни СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди.

Сўзга чиққан бошқа кишилар бу таклифни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш 612-Тўрткўл территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига Какимбек Саликович Саликов номзодини кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди.

(ЎзТАГ).

## ПАРТИЯНИНГ НОМЗОДЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми мамлакат турмушида муҳим воқеа бўлди: у Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодларни кўрсатди.

11 январь куни СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди, унда КПССдан депутатликка номзод бўлиб овозга қўйилишга розилик бериб ёзилган аризалар кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари бир овоздан номзодлар рўйхатига олинди.

Рўйхатга олинганлар орасида барча иттифоқдош республикалардан ишчилар, колхозчилар, зиёлилар бор. Масалан, Иссиққўл областидан бош чўпон З. Бейшекеева, ёзувчи И. А. Васильев, СССР Қуролли Кучлари бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари генерал-полковник М. А. Моисеев, Кемерево областидан шахтёр В. М. Гвоздев, академик Г. И. Марчук КПССдан СССР халқ депутатлигига номзод бўлдилар.

Комиссиянинг номзодларни рўйхатга олиш иши давом этмоқда. КПССдан СССР халқ депутатлигига номзодларнинг состави қонунда белгиланган тартибда матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

• *Сўз—сайловчиларга*

## ХАЛҚҚА ЯҚИН КИШИ САЙЛАНСИН

Сайлов даврида агитаторлар ва сайлов комиссияси аъзоларининг уйма-уй юриб сайловчиларни сайлов участкасига боришга қўндириш (ёки даъват этиш) тажрибасига қатъиян барҳам бериш лозим. Кимки овоз берганн келмаса, ўз-ўзидан Советларга муносабатини намойиш этган бўлади. Бундай ҳолда менимча, сайлов тўғрисидаги протоколда номзодни қанча киши қўллаб, қанча киши унга қарши овоз берганлигини айтиш билан бирга, яна қанча киши сайловга келмаганлигини ҳам рўйрост кўрсатмоқ лозим. Чунки янгидан сайланган депутат навбатдаги сайловгача бундай факт рўй бермаслигини яхшилаб ўйлаб кўради, одамлар орасида бўлиб социал масалаларни ҳал этишда фаоллик кўрсатади.

Ш. САЙФУДДИНОВ,
«Каршистрой» бошқармаси монтажчилар бригадаси бошлиғи.

## ЮҚОРИДАН КЎРСАТМА КУТМАЙ

Номзодларни кўрсатишда талабчан бўлиш керак. Ўтмишда бюрократик йўл ва анкета-бозлик билан нолойиқ кишилар депутатликка кўрсатилганлигини яхши биламиз. Бунга бир мисол келтириш мумкин. Областимиздан мамлакатнинг олий органига кўрсатилган депутатликка номзод колхозчи ҳақида даставвал сайлов арафасида газеталардан ўқиганмиз. Сайлов бўлгач, унинг олий ҳокимият органига депутатликка сайланганлигини ҳам эшитдик. Мана, орадан қанча йиллар ўтяпти, унинг қаерда, нима ишлар билан машғуллигини билмаймиз. Шунинг учун ҳам жойларда юқоридан кўрсатма кутмай ҳақиқий ишга қараб депутатликка муносиб кишн номзодини кўрсатайлик.

С. РАВШАНОВ,
Қаршн районидаги «Ленинизм» совхози бригадири.

## АҲОЛИ РЎЙХАТИ БОШЛАНДИ

Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам 12 январда аҳоли рўйхати бошланди. Бу иш 19 январгача давом этади ва шу пайтда республика территориясида бўлган барча гражданларни қамраб олади.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети аҳоли статистикаси бўлимининг бошлиғи М. У. Терликбоева ЎзТАГ мухбирининг саволларига жавоб қайтаради.

— Майра Ўразбоевна, аҳоли рўйхати қандай бошланди?

— Бизнинг ҳисобчиларимиз 11 январдан 12 январга ўтар кечаси темир йўл транспортида, вокзалларда, аэропортларда бўлишди. Шу пайт ўша жойларда бўлган гражданларнинг ҳаммаси ҳисобга олинди. Улар доимий истиқомат жойига келганларидан кейин такрорий рўйхатга олинмасликлари учун шу гражданларнинг ҳар бирига махсус справкалар берилди. Эрталаб соат саккиздан ҳисобчилар уйларни айланиб чиқа бошладилар.

— Рўйхатга олишда қанча ҳисобчи қатнашмоқда?

— Таъбир жоиз бўлса, бевосита аҳоли ўртасида иш олиб борадиган «соф ҳисобчилар»ғина эмас, балки рўйхат бўлимларининг ходимлари ҳам рўйхатга олувчи кадрлар жумласига киришади. Жами юз мингдан кўпроқ киши ишга солинган. Биз олий ўқув юртларининг студентларини бу ишга жалб этдик, корхоналар ва ташкилотлар ҳам одамлар ажратди.

— Сизлар рўйхатга олишнинг биринчи кунида дуч келган муаммолар борми?

— Ҳа, бор, бу муаммоларни биз бугунгина кўрганимиз йўқ. Ҳисобчиларимиз рўйхат варағини тўлдириш учун қачон келиш қулайлигини аниқлаш мақсадида 7 январдан 10 январгача квартираларни дастлабки тартибда айланиб чиқдилар. Бир қанча ҳоллларда уларга эшикларни очишмади. Одамлар ўзгача «меҳмон» кириб келишидан чўчишади. Ҳар бир ҳисобчи Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг махсус жетони ва гувоҳномасига эга эканлигини айтмоқчиман. Зотан, ҳисобчиларнинг тез ва самарали ишлашларига имкон беришларини аҳолидан сўраймиз.

Бу йилги рўйхатда биринчи марта уй-жой шароити тўғрисида савол берилади. Бундан буёнги уй-жой қурилишини аниқлаш мақсадида шундай қилинмоқда. Олинган маълумотлар фақат шу мақсад учун зарур бўлиб, улар гражданларнинг шахсий манфаатларига асло дахл қилмайди. Шу сабабли хусусий уйлар ёки квартираларнинг эгалари бор-йўқлигини, яъни ўзларининг ҳаётлари ва ишлаш шароитлари тўғрисида ростгўйлик билан жавоб беришлари керак.

— Сўнгги савол: бу йилги рўйхатнинг қандай нафи бор?

— Олинган маълумотлар машиналарда ишлаб чиқилганидан кейин биз республика бўйича равшан демографик манзарага эга бўламиз. Бу эса саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни яхшироқ планлаштириш, турли социал муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради.

## ДАЛАЛАРДА ҚИЗҒИН ИШ

✦ НАМАНГАН. Поп районидаги «Поп» совхозининг Комилжон Жўраев бошлиқ бригадаси бу йил 122 гектар майдондан жами 320 тонна «оқ олтин» хирмони кўтариш мақсадида қишки тадбирларни қизитиб юборди. Ерларга маҳаллий ўғит сепилиб, шудгорланди. Далаларга яхоб суви берилди. Февраль ойи бошларида иккинчи марта яхоб берилади. Бу ишларда Ж. Тўйчиев, У. Маъмуров, М. Маҳкаковларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

К. ЖЎРАЕВА.

• ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

# ОШКОРАЛИК — БОШ МЕЗОН

**Район партия комитетининг ҳозирги фаолиятида икки муҳим муаммо — ижтимоий ҳаёт барча соҳаларини демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда раҳбарликни таъминлаш вазифалари жиддий бўлиб турибди. КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорлари ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларни назарда тутадиган бўлсак, ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган ишлар кўлами жуда кенг.**

Ислоҳот талабларини амалга оширишда коммунистларни аттестациядан ўтказиш сезиларли роль ўйнади. Бу муҳим партиявий иш коммунистлар психологиясининг ўзгаришига туртки бўлаётганлиги хусусида мисоллар кўп. У ишлаб чиқаришда маънавий муҳитнинг соғломлашувига, меҳнат коллективлари барча аъзоларининг ижтимоий-сиёсий активлигини ўстиришда муҳим омил бўлмоқда. Худди шу жараёнда партия аъзоларини ҳал қилувчи участкаларга қўйиш масаласи қайта кўрилди. Коллективлар умумий йиғилишида демократия йўли билан янги раҳбарлар сайланди ва меҳнатни ташкил қилишнинг самарали йўллари белгиланди. Пахта тозалаш заводида янги директор сайловини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Корхонанинг собиқ раҳбари Р. Бўриев бошқа ишга ўтгани муносабати билан райком завод директорлигига кадрлар резервидаги шу корхона бош инженери М. Арслонов номзодини тавсия этди. Номзодни муҳокама қилиш чоғида йиғилиш қатнашчиларига таклиф анкеталари тарқатилди. Унда ҳар бир киши истаган номзодини шу лавозимга тавсия этиши, бўлажак раҳбар қандай фазилатларга эгалигини кўрсатиши сўралган эди. Ишчи комиссиясига тақдим этилган 162 та анкетада М. Арслоновдан ташқари яна тўрт кишининг номзоди кўрсатилганди. Шулардан энг кўп овоз олган М. Арслонов, Ж. Сафаров, А. Муқимовлар асосий номзод сифатида муҳокамага қўйилди ва уларнинг сўзи эшитилди. Бюллетенлар кўздан кечирилганда М. Арслонов энг кўп — 93 та овоз олгани маълум бўлди.

Янги раҳбар ишни одамлар қалбига йўл топишдан, уларга ғамхўрлик қилишдан, меҳнатни ташкил қилишнинг самарали усулларини уларга тушунтиришдан бошлади. Энг муҳими — меҳнаткашлар талаб-эҳтиёжидан келиб чиқадиган вазифалар диққат марказида бўлди.

Кадрларни танлаш ва уларни тарбиялашда муайян ишлар қилинди. Ҳозирги кунгача демократия ва ошкоралик йўли билан 360 нафарга яқин киши кадрлар резерви рўйхатига олинган. Уларни танлашда номзоднинг билими, тажрибаси, одамларга ғамхўрлиги, ишчанлик ва ташкилотчилик қобилияти, маънавий хислатлари алоҳида эътиборга олинди. Биз шу йилдан айрим тажрибаларни амалда синаб кўрмоқчимиз. Жумладан, район партия комитети секретарлари меҳнат отпускасига чиққанларида улар ўрнига резервдаги кадрлар вақтинча ишлаб туришади. Бундай усулни колхоз, совхозлар, саноат корхоналари ва бошқа ташкилотларда ҳам жорий қилиш режамиз бор.

Ўртоқ М. С. Горбачев партиявий иш ҳақида гапирар экан, «давр ўзгарди, у — партиявий ишга, унинг услуб, методлари ва натижаларига, демак, кадрларга ҳам янги талаблар қўймоқда», деб уқтирган эди. Шунга амал қилаётган район партия ташкилоти жамоат фикрининг кучига, коммунистлар, кўп сонли депутатлар, оддий меҳнаткашлар қўллаб-қувватлашига таяниб сафларимизни билимдон, сиёсий етук, маънавий пок кадрлар билан мустаҳкамлаб бормоқда. Муҳими, раҳбарликка обрў-эътиборли, ташкилотчи, одамларга ғамхўр кишилар сайланишига эришилмоқда. Бу район экономикасида туб бурилиш бўлишига ишончни мустаҳкамламоқда. Ўтган йилда халқ хўжалигининг барча асосий соҳалари бўйича планларнинг бажарилгани танланган йўлнинг тўғрилигини тасдиқлади. Масалан, етакчи тармоқ — пахтачиликни олайлик. Чиноэлик деҳқонлар давлатга 31,5 минг тоннадан зиёд хом ашё топширдилар. Бу белгиланганидан 3300 тонна кўпдир. Жами ҳосилнинг 20 минг 700 тоннаси машиналар ҳиссасига тўғри келди.

Бироқ резерв билан ишлашда ҳали қатор муаммолар мавжуд. Масалан, кадрлар ўқуви мунтазамлигига ва самарадорлигига эришилмаётир. Улар малакаси шу кун талаблари даражасида эмас. Резервдан раҳбарлик вазифасига қўйилган кадрларнинг айримлари ишончни оқлолмаяпти. Демак, бу йўналишдаги ишларни ҳали тўла қайта қуролганимизча йўқ.

Қабул қилинган қарорларнинг амалийлиги муваффақият гаровидир. КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида қарорлар ижросини текшириш ҳамда контрол қилиб бориш ташкилотчилик ишининг ўзаги, деб таъкидланди. Бу борада маълум ишлар қилинган. Бунга Охунбобоев номли колхоз партия ташкилоти фаолиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ерда қарор ижроси бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқилган. Қарорни амалга ошириш йўллари, мудматлари, ижро этувчи цех партия ташкилотлари ва шахслар аниқ кўрсатилади. Қилинган иш натижалари юзасидан партия йиғилишларида ҳисоб бериб борилади. Мазкур хўжаликда ва «Эски Тошкент» қишлоқ Советида меҳнаткашлар хатлари билан ишлаш, гражданлар қабулини ташкил этиш ҳамда улар талаб-эҳтиёжларини амалга ошириш бўйича комплекс тадбирлар қўлланилаётгани аҳамиятлидир. Бу ишларда партия комитети ва бюро аъзоларининг актив иштироки таъминланаётир.

Шунга қарамай, ижрони текшириш ва унинг устидан назоратни янада кучайтириш район партия комитети XI пленуми ҳамда район партия конференцияси кун тартибига долзарб масала қилиб қўйилди. Пленумда ошкора фикр алмашув бўлди. Нотиқлар райком масъул ходимлари камчиликларини ҳам рўйи-рост айтишди. Бетга айтаннинг заҳри йўқ-да, ахир. Райком адресига қарорлар лойиҳасини тайёрлашга кўп вақт сарфланаётгани, хўжалик вазифаларига аралашилаётгани, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан эса кам шуғулланилаётгани хусусида ҳақли эътирозлар билдирилди.

Мазкур масала райком бюросида атрофлича кўриб чиқилди. Натижада райком иш планида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, жамоат ишлаб чиқариши самарадорлиги, КПСС-нинг кадрлар сиёсатини амалга ошириш юзасидан партиявий раҳбарликни таъминлашга қаратилган конкрет тадбирлар ўз аксини топди.

Шунга қарамасдан, айрим бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятларини қайта қуриб олганларича йўқ. Район партия комитети қарорлари ижроси Олмазор 5-автомобиль ремонти заводи, «Москва», Энгельс номли колхозиод, «Янгиобод» совхози бошланғич партия ташкилотларида суст контрол қилинмоқда.

Кўриниб турибдики, кадрлар билан ишлашда, қарор ижросининг амалийлигини таъминлашда ҳали анча меҳнат қилишимиз керак. Бу юмушларнинг ҳаммасини эса партиявий ишимизни қайта қуришга дадил киришмасдан, қўйи партия ва бошқа жамоат ташкилотлари сиёсий-тарбиявий фаолиятини турмушнинг конкрет проблемалари билан боғламасдан туриб ҳал қилиб бўлмайди. Бинобарин, жадаллаштириш даври, партия ва ҳалқимиз биздан худди шуни талаб қилмоқда.

**В. Г. ГРИШЧУК,**
**Чиноз район партия комитети биринчи секретари, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати.**



## ПАССАЖИРЛАРГА ҚУЛАЙЛИКНИ КЎЗЛАБ

**Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармасининг ҳаво йўли марказий агентлигида йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида бошқаришни автоматик системаси — «Серена-2» қурилмаси монтаж қилина бошланди. Мазкур автоматик система ишга туширилгач, аҳолига авиация хизмати кўрсатиш, чунончи, самолётлардаги бўш ўринларни тўла аниқлаш ҳамда билетларни тақсимлаш сифатини яхшилашга катта имконият вужудга келади. Яқин вақтда бу қурилмани тўла ишга тушириш мўлжалланмоқда.**

**Суратларда: 1. Электрончи инженерлардан А. Нуриев, А. Горбатков ва С. Харченколар янги қурилма ишини таҳлил этиб кўришяпти. 2. «Сирена-2» қурилмасининг смена бошлиғи Л. Губанова ва электрончи М. Карриовлар автоматик бошқарув системасининг ишлаш жараёнини ўрганмоқдалар.**

**Ф. ҚУРБОНБОЕВ фотолари (ЎзТАГ).**



*Интернационализм — ҳаётимиз қонуни*

## РУС ТИЛИ — ДЎСТ ТИЛИ

**✦ Самарқанд давлат университети ҳузурида ташкил этилган кооперативга «Таржимон» деб ном берилди.**

Аввалига унинг асосий иши турли текстларни таржима қилиш бўлади, деб ўйлашган эди. Бироқ одамлар турли халқлар тилларини ўрганиш имкониятига қизиқиб қолишди. Кооператив ўзбек ва рус, тожик ва араб, немис ва француз, урду тилларида гапиришни ўрганишга хоҳиши бор кишилар учун ўн олтита группа очди.

Ургут районидаги Ғус қишлоғида яшовчилар эса форс адабий тилини ўрганишни хоҳладилар. Тоғдаги бу қишлоқда қадим-қадимдан эрон тили группасига кирувчилар яшайди. Кооператив уларга ҳам ёрдам қўлини чўзди.

«Таржимон» тил ўргатиш борасидаги фаолиятини кенгайтириб, эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолаётгани йўқ. Хоҳловчилар учун хитой тили группасини очиш ҳам мўлжалланмоқда.

**✦ Саҳнада қувноқ Саратов лапарлари янгради, сўнг унинг ўрнини рус рақси эгаллади. Кейин эса қадимий рус қўшиқлари ижро этилди.**

Томошабинларга ёш ижрочилар — Чуст районидаги мактаб ўқувчилари маҳорати жуда мақбул бўлди, улар рус тили ва фольклорини яхши билишларини намойиш қилдилар. Ҳолбуки, ёш артистлар ўзбек мактабларида ўқишади. Улар Наманганда «Рус тили — дўст тили» шиори остида ўтказилган область фестивалининг қатнашчилари бўлишди.

Тўрақўрғон ва Уйчи районларидан келган болалар ҳам қизиқарли программа тайёрлаган эдилар. Саҳнада намойиш этилган адабий-музикали композицияларда В. Маяковский, Р. Рождественский ва Р. Гамзатовнинг мамлакатимиз халқлари дўстлигининг рамзи бўлган рус тилининг буюклиги ва аҳамиятини тараннум этувчи шеърлари янгради. Фестивал ҳақиқий интернационализм байрамига айланди.

**✦ АРСЕНЬЕВ (Приморье ўлкаси)**

**Маҳаллий авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси одамсиз технология асосида ишлашга ўтиш назарда тутилган программани бажаришга киришди. Бу ерда ўзгарувчан модуллар комплекси ёрдамида йирик ҳажмли ҳамда корпус деталларини ишлаб чиқариш тўла автоматлаштирилди. Электроника барча ишлов бериш жараёнларини, ҳисоб-китоб ва маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди. Мутахассислар фақат назорат қилиб турадилар. «Аскольд» заводида ҳам шундай комплекс ўрнатилмоқда.**

**✦ ЛЕНИНГРАД**

**Бу йил Нева соҳилидаги шаҳарнинг турли районларида — асосан янги турар жой районларида видеосалонлар очилади. «Ленкинновидео» ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибида 15 та видеосалон ишлаб турибди. Улар ёнига чет элдан келтирилган проекция аппаратлари ўрнатиладиган яна ўнта зал қўшилади. Мазкур бирлашмага кино бозорига мустақил чиқиш ҳуқуқи берилган. Фирма студияларга махсус программалар ва фильмлар яратиш юзасидан буюртмалар беради, ҳорижий шериклариданленталарни прокатга сотиб олади. Келажакда сервис хизматининг яна бир тури ишга тушади: ленинградликларнинг буюртмаларига биноан видеокартиналар яратилади. Буюртмаларга кўра, хоҳ тўй, хоҳ юбилей ёки бошқа оилавий тантаналар ҳақида ҳам фильмлар суратга олинади.**

**✦ САЯНСК (Иркутск области)**

**Ангара соҳилидаги ана шу энг ёш шаҳарда сайловчилар наказига биноан кечки болалар боғчаси очилди. «Юноҳ» маданият саройи боғча учун хона ажратиб берди. Ота-оналар лекция эшитаётган, кинофильм томоша қилаётган, ертўлада шуғулланаётган ёки рўзғор учун керакли нарсаларни харид қилаётган пайтларида уларнинг болаларига тарбиячилар қараб туришади. Болалар учун сиҳат-саломатлик бурчаги жиҳозланган, ҳар хил ўйинлар уюштирилган. (ТАСС).**

## ҲАВОНИНГ МУСАФФОЛИГИ УЧУН

Республикамизда, мана, учинчи марта кўрик-конкурс ўтказилмоқда. Унинг мақсади атмосферага автомобиль транспортидан чиқадиган зарарли моддаларни камайтиришнинг энг самарали йўлларини қидиришдан иборат. Унинг ташкилотчилари — Ўзбекистон Гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш республика бошқармаси, Табиатни муҳофаза қилиш жамияти, Ўзбекистон Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги ҳамда Ички ишлар министрлиги конкурсга якун ясаб, энг яхши корхоналарни аниқладилар.

Конкурс шартларига кўра, автотранспорт корхоналарида диагностика линиялари, оборот эҳтиёт қисмлари, қиш даврида буғ билан иситиш қурилмалари, қўқаламзор майдонлар бўлиши лозим. Конкурс иштирокчилари олдига жами йигирмадан ортиқ талаб қўйилган.

Йил якунларига кўра: таксомотор парклари орасида Тошкентдаги 1-автокомбинат, автобус парклари орасида 2519-автоколонна, юк машиналари автотранспорт корхоналари орасида 2512-автоколонна коллективлари энг яхши коллективлар деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаганлар орасида бекободликлар, самарқандликлар, қаршиликлар, чирчиқликлар, наманганликлар бор.

(ЎзТАГ).

*«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ПОЧТАСИНИ ШАРҲЛАЙМИЗ*

# ХИЗМАТ БУРЧИ — МУҚАДДАС

Ҳозир ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида қайта қуриш, ошкоралик ва демократияни чуқурлаштириш учун қизғин кураш бормоқда. Айниқса, партия ташкилотларининг асосий диққат-эътибори кадрлар масъулиятини оширишга, меҳнат интизоми ва тартибини мустаҳкамлашга, камчилик ва нуқсонларга нисбатан муросасиз бўлишга, мансабдор шахсларнинг хизмат вазифасини турли кўринишларда суиистеъмол қилишларга сира йўл қўймасликка қаратилянти.

Редакциямизга келаётган хатлар, ариза ва шикоятлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, баъзи жойларда хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, ўз шахсий манфаатинигина кўзлаб иш тутиш, бойлик орттириш, коллектив аъзолари ҳақида ғамхўрликни унутиб қўйиш фактлари ҳамон учраб турибди. Шундай мазмундаги шикоятлар текширилганда улардаги фактлар тасдиқланмоқда.

Масалан, Нурота районидаги Эргаш Жуманбулбул ўғли номли совхозда район Совети депутати Я. Бекназарованинг аризаси текшириш ва чора кўриш учун Самарқанд область партия комитетига юборилган эди. У ердан олинган расмий жавобда қайд этилишича, танқид учун таъқиб этганлиги, масъулиятсизлиги ва назоратсизлиги, қўшиб ёзганлиги ва бошқа камчиликларга йўл қўйганлиги учун совхоз директори, КПСС аъзоси Э. Туробова ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди. Ҳисоб-китоб ишларида, суттовар фермасида давлат ва меҳнат интизоми ҳисоботларида нуқсонларга йўл қўйганлиги, планнинг бажарилишида қўшиб ёзганлиги учун ферма мудири С. Мардиевга ва бригадир Б. Ёдгоровга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди. Ўртоқ Я. Бекназарованинг танқидий мулоҳазаларини кўриб чиқишда принципсизлик қилганлиги, давлат ва меҳнат интизомини пасайтириб юборганлиги учун цех партия ташкилоти секретари К. Нуримова ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди. Шу ишларга алоқадор бўлган бошқа коммунистлар ҳам партиявий жавобгарликка тортилдилар.

Маълумки, кишининг қайси лавозимни эгаллашидан қатъий назар, унинг обрў-эътибори бурчига садоқати-ю, бажараётган ишларига қараб белгиланади. Ҳар қандай киши халқ олдидаги, партия олдидаги инсоний бурчини оғишмай адо этмасдан туриб, сўз ва иш бирлигига эриша олмайди. Бир мисол. Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоздан А. Маҳсудов ва А. Рўзиматов редакциямизга йўллаган шикоят хатида «Колхоз раиси А. Жўраев ўз вазифасига ўта масъулиятсизлик билан қарайди. Ҳисобот ходимлари устидан қаттиқ назорат ўрнатмаган. Бунинг оқибатида умумхалқ бойлигининг талон-торож бўлишига йўл очилмоқда», — деб ёзган эдилар.

Наманган область партия комитети ушбу хат юзасидан текшириш ўтказди. Унинг якунлари колхоз партия комитети ва правлениесининг биргаликдаги кенгайтирилган мажлисида кўриб чиқилди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда камчиликларга йўл қўйганлиги, ҳисоб-китоб ишлари олиб борувчи ходимлар ишлари устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги, хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги учун колхоз правлениеси раиси А. Жўраевга қаттиқ виговор берилди. Бухгалтерлик даврида хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлиги учун КПСС аъзоси А. Исоқовга виговор берилди ва трактор парки нормировкачилиги лавозимидан бўшатилди. Ишда нуқсонларга йўл қўйганлиги, ўзини тута билмаганлиги ва ходимларга нисбатан қўполлик қилганлиги учун болалар боғчаси мудираси М. Азизова вазифасидан озод этилди. Унга колхоз парткоми виговор эълон қилганлиги маълумот учун қабул қилинди. Колхоз раиси куёви О. Зокиров спорт инструктори лавозимидан бўшатилди. Колхоз бош иқтисодчиси К. Каримов иш ҳақининг тўғри тўланиши устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги учун қаттиқ огоҳлантирилди. Партиявий раҳбарликни бўшаштирганлиги учун колхоз партия комитети секретари Р. Қамбаралиев қаттиқ огоҳлантирилди.

Инсон омили биринчи ўринга қўйилаётган ҳозирги паллада масъул ходимлар кишиларга сезгирлик ва эътибор билан қарашлари, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига ўз вақтида жавоб беришлари керак. Чунки партия ходими, хўжалик раҳбари жойларда партия номидан давлат кишиси сифатида иш кўради. Шундай экан, у энг аввало партиянинг халқ билан алоқалари мустаҳкамланишига фаол ёрдам бериши лозим. Афсуски, ўз манфаатини ўйлаб иш тутувчилар ҳам учраб турибди.

Боғот районидаги «Победа» колхозида яшовчи И. Раззоқов редакциямизга йўллаган аризасида хўжаликда йўл қўйилаётган айрим нуқсонлар тўғрисида маълум қилган эди. Хоразм область партия комитетидан олинган расмий жавобда таъкидланишича, колхоз раиси ўринбосари Б. Искандаров зарур ҳужжатларни расмийлаштирмасдан, ўзбошимчалик билан табиий газдан фойдаланиб келган. Текшириш натижалари колхоз правлениесининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди. Газдан фойдаланишда ноқонуний хатти-ҳаракатлар қилганлиги учун Б. Искандаров қаттиқ огоҳлантирилди, унга жарима солинди.

Дарҳақиқат, хизмат вазифасини суиистеъмол қиладиган, унинг қадрига етмайдиганларни эл-юрт асло кечирмайди. Умуман, лавозим мавқеини ҳар хил суиистеъмол қилишларга, ошна-оғайнигарчилик, юртдошлик кўринишларига қарши янада қатъийроқ кураш олиб бориш лозим.

• *Мақоламизни ўқиб*

# У ЧИН ИНСОН ЭДИ

**Газетамизда босилган «Ҳақиқат — ошкоралик мезони» ва «Тарихий ҳақиқат позициясида туриб» сарлавҳали мақолаларимиздан сўнг газетхонлардан кўплаб мактублар олмоқдамиз. Улар ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини баён этиб, унда кўтарилган масалани қўллаб-қувватламоқдалар. Қуйида ана шу хатлардан сатрлар ўқийсиз.**

...Мен асли Каттақўрғон райониданман. 1931 йили қулоқлар, савдогарлар халқни ўзларига эргаштириб колхозлаштиришга қарши ғалаён кўтарган эдилар. Ана шундай оғир пайтда Пайшанба қишлоғида К. Зелинский номли колхоз тузилган эди. Қулардан бирида соқчиларсиз машина келиб қолди. Ундан Усмон Юсупов тушиб одамлар билан кўришди. Район марказий майдонидаги минбарга чиқиб нутқ сўзлади. Унинг нақадар халққа меҳрибонлиги қаяжон билан гапираётган гапларидан маълум эди. Одамлар ҳеч қимирламасдан қарийб икки соат унинг нутқини тинглашди. Усмон аканинг сўзи тугамасдан юк машинасида Каттақўрғон шаҳри томондан юклар кела бошлади. Усмон ака сўзининг охирида «Мана, сизларнинг талаб, эҳтиёжингизни қондириш учун келишяпти, бундан бўён ҳам сизларни қўллаб-қувватлаймиз, очяланғоч қўймаймиз» деди. Ёш Совет ҳукуматига иккиланиб қарайдиганлар партия сиёсатининг нечоғли асосли эканлигига ана шунда гувоҳ бўлишди.

Шундан кейин ҳам Усмон Юсуповнинг оташин нутқларини бир неча бор тингладим. Унда партия ишига садоқат, халқ ва юрт учун фидойилик намунасини кўрдим. Мақолада кўтарилган фикрларни қўллаб-қувватлайман.

**Йўлдош ШАРИПОВ,**
**1939 йилдан КПСС аъзоси, уруш ва меҳнат ветерани, Тошкент райони.**

●

...«Ҳақиқат — ошкоралик мезони» мақоласини ўқидим. Ўзбек халқининг ҳақиқий фарзанди У. Юсупов ҳақидаги фикрларни тўла қувватлайман. У кишининг Катта Фарғона каналини қазиш давридаги фаолиятига гувоҳ бўлганман. Биз Ёзёвон массивида канал қазишда иштирок этдик. Усмон ака оёғига этик, эгнига фуфайка кийиб олиб, ҳар бир киши билан алоҳида суҳбат қиларди. Мамлакатнинг истиқболи, халқларимизнинг фаровон ҳаётидан башорат қиларди. Бугун ана шу гаплар нечоғли ҳақиқат эканлигига гувоҳ бўлиб турибмиз.

**Масодиқ МАДИЕРОВ,**
**Улуғ Ватан уруши инвалиди.**

●

...Республикамиз тараққиётини Усмон Юсуповнинг катта ташкилотчилик фаолиятисиз тасаввур этиш қийин. Мен халқимизнинг ажойиб фарзанди У. Юсуповни даврнинг энг долзарб ва мураккаб жойларида учратардим. Пахтазорларда, қурилиш майдонларида, завод ва фабрикалар бунёд этилаётган жойларда, канал қазиб, сув чиқарилаётган объектларда халқ билан ёнма-ён, елкама-елка туриб, умумдавлат иши учун фидойи ҳолда учратардим. Мен партия, комсомол ва уруш ветерани сифатида Усмон аканинг серқирра ташкилотчилик фаолиятини юқори баҳолайман.

**Р. ҒОЗИЕВ,**
**уруш ва меҳнат ветеранлари Риштон район советининг раиси.**

●

...Усмон Юсуповнинг давлат арбоби сифатидаги хизматларини халқимиз унутмайди. Фақат Катта Фарғона канали қурилишидаги ташкилотчилиги, Ватан ва халқ фаровонлигига жонбозлиги учун ҳам унинг номини унутишга ҳаққимиз йўқ. Шу жиҳатдан «Ҳаёт мазмуни» фильмини алоҳида қадрлайман.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари кандидати.**

●

...Мен уруш кўрганман. Фронтдаги оғир пайтларда ҳам Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг катта ғамхўрлигини ҳис қилиб турганлигимни айтмоқчиман. Виборг шаҳри учун бўлган жангларда ярадор бўлиб Ленинградда госпиталда ётдим. Шундан сўнг ўзбек, туркман, озарбайжон, қозоқ ва қорақалпоқларда иборат бўлган взводга командир қилиб юборишди. Рус тилини билмаганлигим анча оғир бўлди. Сиёсий ахборотларни солдатларга тўғри тушунтиролмасдим. Бу ҳақда Усмон ака Юсуповга хат ёзиб, ўзбекча материаллар юборишни илтимос қилдим. Усмон ака эринмасдан биз жангчиларга хат йўллаб ўзбекча материаллар билан таъминлаб туришга ваъда бердилар. Раҳбарга хос бўлган бундай фазилатни ҳамиша қадрлайман.

**Ботир ТИЛАКОВ,**
**уруш ва меҳнат ветеранлари Риштон район Советининг раиси.**

●

...У. Юсупов республикада раҳбарлик қилган даврда вазият анча оғир эди. Ватанни фашист босқинчиларидан озод қилиш учун катта истеъдод, ташкилотчилик, келажакка ишонч ва ленинча ирода керак эди. Бизнингча У. Юсупов ана шундай талабларга жавоб берди. Ватан учун оғир давр бўлишига қарамасдан, Алишер Навоий номидаги ва Муқимий номидаги театрлар биноси қурилганлигининг ўзи кенг миқёсли раҳбарнинг катта иқтидоридан далолат беради.

**Н. АРАЛОВ,**
**Ғузор районидаги К. Маркс номли колхоз раиси.**

●

...Мен Усмон Юсуповнинг кадрларга ғамхўр ва меҳрибон раҳбар сифатида биламан. 1938 йил эди. Колхозимиз раиси Отақул Умаровни типовой уйлар ва идора қургани учун қамаб қўйишди. Усмон Юсупов районни айланиб юриб колхоз марказидан ўтаётганда воқеадан хабардор бўлгач, область партия комитетида мазкур иш билан танишибди. Қурилишда хатоликлар йўқлиги учун тадбиркор раиси қамоқ жазосидан қутқариб юборди. Колхоз эса тобора гуллаб яшнайверди. Кадрларга бундай ғамхўр раҳбарлар камдан кам учрайди.

**Абдуғани МАМАСОЛИЕВ,**
**1946 йилдан КПСС аъзоси.**

●

...Газетада босилган мақолаларни ўқиб Усмон Юсуповни биринчи бор кўрганим эсимга тушди. Гарчанд у киши билан тузукроқ муомалада бўлмаган бўлсам-да, ҳатти-ҳаракатларидан, муомалаларидан йирик, етук партиявий раҳбар эканликларини, юксак партиявий эътиқодга эга эканликларини билиб олиш осон эди. Қишлоқ маданиятини юксалтириш, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш, маориф ишини яхшилаш борасидаги фикрлари ўша вақтда жуда долзарб эди. Айтиш мумкинки, бу фикрлар ҳамон қадрини йўқотмаган. Мен У. Юсуповнинг катта арбоб сифатида ҳамиша эслайман.

**Раҳим ШАМСИЕВ,**
**меҳнат ветерани.**

●

**Юқоридаги мазмунда фикр билдирилган мактублар жуда кўп. Жумладан, навоийлик А. Худойназаров, қашқадарёлик Б. Холиёров, тошкентлик М. Усмонов, Ҳ. Омонбоев, А. Лутфуллаев, самарқандлик Е. Муҳаммадиев, Д. Мажидов, хоразмлик О. Худойберганов, тўрткўллик Х. Уринова, Жиззах шаҳридан Е. Юсупов, фарғоналик К. Йўлчиев, Х. Қодиров, У. Урмонов, андижонлик К. Ҳакимов, А. Қўчқоров ва Тожикистон ССРдан Т. Дўстмуродовлар ҳам хат йўллаб, Усмон Юсуповнинг катта давлат ва жамоат арбоби эканлигини таъкидлайдилар, кўрган, билган ибратли воқеаларини баён этадилар.**

**Мақола юзасидан фикр билдирган барча газетхонларга миннатдорчилик билдирамиз.**

## ОИЛАНИНГ БЕШ ИШЧИСИ

**● Йигирма йилдан буён бир корхонада сидқидилдан меҳнат қилаётган ишчи Эсонали Аҳмедов билан суҳбатлашсангиз ўзи ҳақида эмас, кўпроқ шогирдлари Саминжон Раҳмонов, Бароталн Асроқулов, Расулжон Аҳмедовларнинг ишлаб чиқаришдаги ютуқлари, шахсий фазилатлари тўғрисида тўлқинланиб сўзлаб беради. Қўқон қурилиш материаллари заводи қоришма тайёрлаш цехи эришаётган ютуқларда устоз ва шогирдларнинг ҳиссалари катта.**

**Эсонали Аҳмедовнинг фарзандлари ҳам ҳалол, меҳнатсевар йигитлар. Унинг тўрт ўғли: Аъзамжон, Баҳромжон, Асқарали ва Анваржон заводда смена топшириқларини ортиқ ва бажариб, кўпчилик ҳурматига сазовор бўлишмоқда.**

**М. ЭРГАШЕВ.**

## ДИҚҚАТ: АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

# ТАБИАТ ХАТОНИ КЕЧИРМАЙДИ

**Ёки техник жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш қувватлари экологик тангликни келтириб чиқараётгани хусусида**

ОБЛАСТЬ марказининг биқинидаги Қувасой шаҳрига қадам қўйишимиз билан димоғимизга чанг урилди. Цемент комбинатининг ўн иккита 45 ва 60 метр баландликдаги мўриларидан чиқаётган чанг-тўзон гоҳида ҳатто қуёшу, осмонни қоп-қора чодрага ўраяпти. Комбинат йилига ўттиз минг тоннадан зиёд цемент, оҳак, гипс чангини осмону фалакка чиқаради. Норматив бўйича у бир йилда ўн минг тоннагина чанг ва газларни ташқарига чиқариши мумкин экан.

Тўғри, комбинатда ўтган йили айланма печларнинг эскирган фильтрлари янгиланди. Илгари суткада 90 тонна чанг чиқараётган бўлса, ҳозир у 30 тоннани ташкил этди. Мазкур электр фильтрларни ўрнатиш 1,5 миллион сўмга тушди. Унинг иккинчи навбати шу йилнинг биринчи кварталида тикланади. Оҳак, шифер ишлаб чиқариладиган қувватларда ҳам чиқиндиларни тутиб қоладиган қурилмалар ўрнатилди. Шу мақсадда уч миллион сўм сарфланди.

Комбинатнинг цемент ишлаб чиқаришга қарашли 1,2 печлардаги чанг ютгич фильтрлар 1972 йилда ўрнатилган. У 82 процент чиқиндини ушлаб қоляпти. Хом ашё туйиладиган 3, 4, 5-тегирмонларнинг фильтрлари эса 78-80 процент қувват билан ишлайди, холос. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1982 йил 15 июлдаги қарорига биноан бу фильтрларни алмаштириш ишлари бундан уч йил муқаддам тугалланиши зарур эди. Гипс ишлаб чиқаришида ФРКИ-360 маркали фильтрларнинг монтажи ҳам битказилмади. Ҳатто бу ишларга қўл ҳам урилмади.

— Кейинги вақтда бу масалалар билан жиддий шуғулланяпмиз, — дейди комбинат директори Олимжон Камолов. — Тегирмонлардаги фильтрларни ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда реконструкция қиламиз. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари шу йили тугалланса, уни 1993 йилгача битказиш чораси ни кўрамиз. Бунинг учун 8 миллион сўм маблағ керак.

Комбинатда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тадбир ишлаб чиқилган. Уни амалга ошириш учун техник-иқтисодий далиллар лозим. Бу вазифа Харьковдаги «Южгипроцемент» институти лойиҳачи ва инженерларига топширилган. Бироқ улар корхонанинг хом ашё базаси аниқланмагунча бу ишни бошлай олиш майди. Асосий хом ашё бойликлари эса Қирғизистон ССР территориясига жойлашган. Республика ҳукумати қардош қирғизистонликлар билан комбинат хом ашё запаслари чегарасига аниқлик киритиб берсагина гишт қолипдан кўчади.

Комбинат жиҳозларининг 75 проценти моддий ва маънавий эскирган. Асосий фондлар реконструкция қилиниши керак. СССР Министрлар Советининг 1987 йилги қарорида бу ишга 1989 йилда киришиб, 1993 йилда тугаллаш белгиланган эди. Бироқ техник-иқтисодий далиллар тайёр эмаслиги оқибатида лойиҳа ишларига қўл урилмади. Бу ҳам хом ашё қўламига аниқлик киритилишига қараб қолди.

Ҳозир қирғизистонликлар ҳам Қувасойдан 25 километр масофада ўзларининг цемент комбинатини қуришга тараддуд кўришмоқда. Маълумки, қувасойликлар Ўрта Осиё республикаларини ҳам бинокорлик материали билан таъминлайдилар. Шундай бўлгач, атроф-муҳитни булғайдиган яна бир корхона қуриш шартмикин? Масалани икки қардош халқнинг ўзаро иқтисодий манфаатларидан, экологик муаммоларидан келиб чиқиб ҳал этиш керак.

ФАРҒОНА ҳавосини ва ичимлик сувини издан чиқараётган йирик корхоналарнинг бири «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобланади. У ижозат берилганидан уч баравар кўп — йилига 64.390 тонна чиқиндини ҳавога ташламоқда. Бундан ташқари кўп миқдорда нефть ва нефть маҳсулотлари тупроққа сингиб кетяпти. Корхонадан 6-8 километр узоқликдаги қудуқлар сув юзасида ҳам нефть сузиб юрганини кўриб, ёқа ушлайсиз. Гидрогеологлар олиб борган изланишлар туфайли 1976 йилдаёқ Тошлоқ райони территориясидаги ер ости сувларида нефть маҳсулотлари борлиги аниқланган эди. Аммо 1982 йилгача СССР Нефть ва химия саноати министрлиги ҳам, область партия ва совет органларининг раҳбарлари ҳам бунга етарли чора кўришмади. 1988 йилга қадар нефть ва нефть маҳсулотлари билан зарарланган ер ости сувларини йиғиб, уни тозалаш иншоотларига юбориш, сўнг корхона эҳтиёжи учун фойдаланиш бўйича тадбирлар белгиланган эди. Лекин бу юмушлар учун етарли маблағ ажратилмагани оқибатида қарорлар қоғозда қолди. Бирлашманинг Олтиариқ район Ҳамза поселкасида жойлашган нефтни қайта ишлаш заводи ҳам сув ҳавзаларини ифлослантирмоқда. Мавжуд сизот сувларини тозалаш қурилмалари сувни етарли даражада тиндирмаётгани оқибатида атроф-муҳитга зарар келтириляпти. Ўтган йилнинг ўзида корхона 163,4 тонна нефть маҳсулотларини сув ҳавзаларига ташлади.

СССР Нефть ва химия саноати министрлиги 1987 йилнинг 28 апрелида мазкур бирлашмада атроф-муҳитни ифлослантираётган чиқинди моддаларни камайтириш чоралари ҳақида тадбир белгилади. Унга асосан сизот сувларига нефть қуйқалари тушишининг олдини олиш ва уни тозалашни ташкил этиш мақсадида 4 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштириш керак эди. Бироқ 1988 йилда битказилиши зарур бўлган бу ишга ҳали қўл урилгани йўқ. Сабаби қонунсизлик лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр эмас. Лойиҳачилар геологларнинг тавсияномаси ва илмий асосларини кутишяпти. Мамлакатимиз геологлари илгари бундай вазиятга дуч келишмаган экан. Шунинг учун ишни нимадан бошлашни билмай турибдилар.

Тўғри, тадбирда белгиланган баъзи юмушлар, жумладан, айрим ишлаб чиқаришларни реконструкциялаш, техник жиҳатдан қайта қуриш жараёнида зарарли химикатларни атроф-муҳитга ёйилишига бир оз тўсиқ қўйилди. Бироқ бажарилмаган ишлар кўлами жуда кўп. Агарда 38 пунктдан иборат тадбирлар қоғозда ёзилганидек, 1995 йилга бориб тўла амалга оширилса, заҳарли моддаларни атмосферага чиқарилиши 26 минг тоннага камайиши мумкин.

Министрлик ўз вақтида қарамоғидаги корхонада экологик аҳволни яхшилаш билан етарли шуғулланмагани учун ҳозирги туб иқтисодий ислоҳот шароитида бу муаммони ҳал этиш янада мушкуллашади. Бундан ташқари республикадаги айрим идораларнинг айби билан Чордара — Фарғона нефть қувури қурилмади. Область раҳбарлари эса Тошлоқ сув ўтказгичи иншооти учун ер майдони ажратиб беришмади.

Фарғонанинг аҳоли зич яшайдиган қисмида фуран бирикмалар химия заводи бор. Аниқланган нормаларга мувофиқ унинг санитария ихота зонаси 500 метрни ташкил этиши керак. Амалда у 3 километрга яқин доирада муҳитни химиявий чиқиндилар ва газлар билан ифлослантирмоқда. СССР Министрлар Совети 1985 йил 25 майда қабул қилган қарорига кўра бу ерда янги гидролиз фурфурол цехи қурилиши керак эди. Бу иншоот учун 15 миллион сўм капитал маблағ зарур. СССР Медицина-биология саноати министрлигида эса пул йўқ эмиш. Оқибатда 1993 йилда битказилиши кўзда тутилган объектнинг ҳатто лойиҳасини тайёрлашга ҳам киришилгани йўқ.

Хом ашёни туширишда чангни ушлаб қоладиган қурилма, сероводороднинг ер остига шимилишига барҳам берадиган иншоот қурилиши ҳам бошланмади. Ҳозир завод атроф-муҳитни нормадагидан бир неча баробар кўп ифлослантираётгани учун корхонани шаҳардан ташқарига кўчириш муаммоси кўндаланг турибди.

Айрим мутахассисларнинг узоқни кўра олмаганликлари ёки ўз сўзларини, халқнинг дилидаги фикрларни юқори органлар олдига кўндаланг қўя билмаганликлари оқибатида ҳозир мана шундай танг экологик вазият вужудга келди.

Сўх дарёси бошланадиган ер ости сув ҳавзаси устида, тошлоқда янги Қўқон химия заводи қурилди. СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлигига қарашли мазкур корхона 1983 йилдан бошлаб йилига 500 минг тоннадан олтингугурт кислотаси ишлаб чиқаряпти. Орадан икки йил ўтгач, корхонада йилига 700 минг тонна аммофос ишлаб чиқарадиган цех маҳсулот берди. Албатта булар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун зарур. Корхона раҳбарлари ўз чиқиндилари тошлоқ ерда тезда сингиб, ер ости сув ҳавзасини ифлослантириши мумкинлигини тушунишарди. Бу мақсад учун 40 миллион сўм маблағ сарфлашди. Лекин булар кутилган натижани бермаяпти. 1987 йилда Ўзбекистон Геология министрлиги давлат инспектори бу ерда текшириш ўтказганида атроф-муҳитни ифлослантириши мумкин бўлган бир қатор хато ва камчиликларни аниқлаган эди. Чора кўрилди. Тадбир белгиланди. Аммо сув ҳавзаларининг ифлосланиш даражаси йил сайин ортиб бормоқда. Илгари бу ерда ҳар бир литр сув таркибида 2 миллиграмм фосфат топилган бўлса, 1987 йилда бу 4 миллиграммни, ўтган йили эса 6 миллиграммни ташкил қилди. Сувдаги нитратлар миқдори кескин ортиб кетди. Илгари ҳар бир литр сувда 45 миллиграмм азот бўлган бўлса, ҳозир қарийб 3 баробарга кўпайди. Аҳоли азалдан машҳур Қўқон сувининг мазаси «кетиб» бораётганидан афсусланмоқда.

ЯНГИ Қўқон химия заводи чиқиндиларининг ер остига сўрилиши оқибатида келажакда бутун областни ичимлик сув билан таъминлаш ҳам қийинлашади. Келаси йилда аҳвол қандай бўларкин? Беш йил, ўн йилдан кейин-чи?

— Фарғона областида улкан саноат комплекси барпо этилгани аслида яхши, — дейди область табиатни муҳофаза қилиш комитети раисининг ўринбосари Л. Бордюг. — Бироқ уларнинг аксарияти, айниқса химия саноати объектлари шаҳар ичкарисида, аҳоли зич жойларда ёки чиқиндилар тезда сўриладиган тошлоқ майдонларда қурилган. Бу экологик вазиятга салбий таъсир этяпти. Фарғона шаҳридаги иссиқлик электр маркази, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, фуран бирикмалари, химия ва Қўқон суперфосфат заводлари каби корхоналардаги техник жиҳатдан эскирган кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари халқни тоза сув, соф ҳаводан бебаҳра қиляпти.

Жамоатчилик табиатни бундай зўрланишига қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга мутасадди ташкилотлар маҳаллий партия ва совет органларига конкрет таклифлар билан мурожаат этишмоқда. Ўтган йилнинг 2 декабрида область табиатни муҳофаза қилиш комитети рухсатсиз чиқиндиларни атмосферага ташлаётган бир қатор корхоналар фаолиятини 1989 йил 1 январидан тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. Булар ичида фуранли бирикмалар химия заводи, уйсозлик комбинати, қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати каби 9 та корхона бор. Лекин бундай чораларнинг ўзи билангина табиатни мусаффо сақлаш мушкул.

Фарғоналиклар турғунлик йилларида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда республика ва Бутуниттифоқ идоралари томонидан йўл қўйилган йирик хатоларнинг аччиқ изтиробини энди татишмоқда. Бу узоққа чўзилармикин? Фарғонадаги экологик танглик бизни янада пишиқроқ бўлишга, табиатни ўзимизни авайлагандек асрашга, инсон ва атроф-муҳит ўртасидаги мувозанатни унутиб қўймасликка даъват этяпти. Инсон иродаси пўлатдек мустаҳкам бўлса ҳам кўнгли гулдек нозик дейишади. Ҳаётимиз гуллари — кишиларимизга лоқайдлик, масъулиятсизлик гардлари қўнмасин. Зеро, партия ва ҳукуматимизнинг олий мақсади ҳам инсонинг бахт-саодатини таъминлашга, унинг доим гулдек яшнаб юришига қаратилган.

**А. НИЁЗОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

## ТЎҒРИ ҚАДАМ

**РИМ**

**Совет Иттифоқининг химиявий қурол запасларини йўқ қилиб ташлашни бошлашга аҳд қилганлиги [бу ҳақда СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе Парижда химиявий қуролга бағишланган халқаро конференцияда гапирган эди] «контрол тўғрисидаги масала ҳал қилинмай қолаётган бўлса ҳам, тўғри йўналишдаги муҳим қадамдир». Италия ташқи ишлар министри Ж. Андреотти парламентнинг депутатлар палатасида сўзлаган нутқида шу ҳақда гапирди.**

**КАРАКАС**

**Ўтган йили Венесуэлада бўлиб ўтган сайловда мамлакат президенти қилиб сайланган Карлос Андрес Перес Совет Иттифоқининг химиявий қуролсизланишга тугатишга киришиш тўғрисидаги қарорига юксак баҳо берди. Совет ташаббуси, деб таъкидлади К. Андрес, шубҳасиз, қуролсизланиш жараёнига, давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишонч муҳитини вужудга келтиришга янги омил бахш этади.**

**ТОКИО**

**«Париж конференциясида Э. А. Шеварднадзе эълон қилганидек, Совет Иттифоқининг ўз химиявий қуроли запасларини йўқ қилиб ташлашни бошлашга қарор берганлиги ўз вақтида кўрилган тадбирдир, чунки бу муаммо ҳозир жуда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, деб ёзади Японияда чиқадиган «Асахи» газетаси редакцион мақоласида.**

**(ТАСС).**

## Дунё овози

## ВАТАНГА ҚАЙТМОҚДАЛАР

**Ангола Халқ Республикасидаги Куба қўшинлари контингенти составига кирувчи интернационалист жангчиларнинг дастлабки группаси 11 январда ватанига қайтиб келди.**

Ватанига қайтган интернационалист жангчилар Куба томони билдирган яхши ниятларни ишораси сифатида Ангола территориясидан муддатидан илгари — биринчи апрелга қадар олиб чиқиб кетиладиган 3 минг нафар кубалик ҳарбий хизматчиларнинг дастлабки группасидир.

(ТАСС).

## Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасида

**БМТ Хавфсизлик Кенгашида Ўрта денгиздаги можаро муҳокамаси давом эттирилди. Америка Қўшма Штатлари шу можаро оқибатида Ливиянинг иккита самолётини йўқ қилган эди.**

Мальта, ислом конференцияси ташкилоти, Яман Араб Республикаси, Бирлашган Араб амирликлари, Польша, бошқа мамлакатлар ва ташкилотлар вакилларининг нутқларида Ливия Вашингтонга ёқмайдиган сиёсат юргизаётгани учунгина АҚШнинг мустақил давлатга қарши босқинчилик хуружи қилганлигини оқлашга уринаётганлиги асоссиз эканлиги таъкидланди.

Жаҳон ҳамжамияти вакиллари Хавфсизлик Кенгашини Ўрта денгиздаги аҳволни нормаллаштириш ва Америка Қўшма Штатларининг Ливияга қарши янги босқинчилик хуружларининг олдини олиш учун самарали чоралар кўришга чақиради.

(ТАСС).

## Учрашув қолдирилди

**Никарагуа президенти Даниэль Ортега Марказий Америка давлатлари раҳбарларининг 15-16 январь кунларига белгиланган учрашуви февралнинг иккинчи ярмига қолдирилганини тасдиқлади.**

Учрашувнинг бошқа муддатга қолдирилиши, деб таъкидлади Д. Ортега, Марказий Америкадаги вазиятни тинч бартараф этиш жараёнини хавф остига қўяди. Региондаги хатарли аҳвол ҳар дақиқа кескинлашиб, ҳозир мавжуд бўлган тинч муloқотни бошлаш имконияти қўлдан берилиши мумкин.

## Исёнчиларга қарши жанглар

**Афғонистон армияси бўлинмалари ўтган кеча-кундузда Қандаҳор, Нангарҳор, Ҳирот вилоятларида ва Хост округида муросасиз оппозиция отрядларига қарши бир қанча муваффақиятли операциялар ўтказишди.**

Жанглар давомида ўнлаб экстремист йўқ қилинди, кўплаб қурол-ярог, шу жумладан реактив снарядлар отадиган қурилмалар, минамётлар, кўплаб ўқ-дори ўлжа олинди, анжомлар беркитиб қўйилган бир неча яширин омборхоналар қўлга туширилди ва портлатилди.

Бахтар агентлигининг хабар қилишича, Қандаҳор, Қундуз, Ғазна ва Забул вилоятларида экстремистларнинг бир-бири билан рақобат қилувчи гуруҳлари ўртасида ўзаро тўқнашувлар рўй берди ,бу тўқнашувлар давомида юздан ортиқ киши ўлди ёки ярадор бўлди. (ТАСС).

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

# АМЕРИКАЛИК ВРАЧЛАР ТОШКЕНТДА

**ДОКТОР ДОУН: «СССРДАГИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АМЕРИКАЛИКЛАР УЧУН ҲАМ АҲАМИЯТИ ҚАТТА»**

**— Ҳали бундан уч йил муқаддам ўта оптимистлар ҳам Совет — Америка муносабатларининг шу қадар гуркираб ривожланишини кутмаган эдилар, — деди америкалик педиатр врач, Сиэтл (Вашингтон штати) биродарлашган шаҳарлар комитети соғлиқни сақлаш комиссиясининг раиси Р. Доун. — Ватандошларимнинг кўпчилиги буни Совет Иттифоқи доно сиёсатининг натижаси, деб билмоқдалар. Бу сиёсат турли социал системадаги икки буюк давлат тинч-тотув яшашгина қолмай, шу билан бирга ҳаётнинг турли соҳаларида самарали ҳамкорлик қила олишларини ҳам яққол кўрсатди. Мана биз — Сиэтл ва Тошкент аҳолиси бунга намуна бўла оламиз.**

Доктор Доун Тошкент ва Сиэтл биродарлашган шаҳарлар комитетлари ишлаб чиққан узоқ муддатли программа доирасида ўз ҳамкасблари билан бирга Америка медиклари делегацияси составида шаҳримизга келди. Сафардан кузатилган мақсад Ўзбекистон пойтахтидаги медицина муассасалари билан танишиш, совет врачлари билан фикрлашиш, уларга амалий ёрдам беришдир. Меҳмонларимизнинг Тошкентда бўладиган кунлари ниҳоятда тиғиз ва сермазмунли. Шу боисдан Р. Доун 1-шаҳар юқумли касалликлар клиник шифохонаси ҳузуридаги врачлар малакасини ошириш институти кафедрасида учрашишни таклиф этди.

**— Доктор Доун, агар янглишмасам, шу билан сиз кейинги икки ярим йил ичида Тошкентга олтинчи марта келишингиз.**

— Ҳа, мен АҚШ пойтахти — Вашингтонга қарши жанг Тошкентда тез-тез бўлиб тураман. Бу ерга қилинган дастлабки сафарлар шаҳарларимиз ўртасида дўстона алоқалар эндигина ўрнатилаётган пайтда шунчаки танишиб билиш сафарлари бўлган эди. Эндиликда эса улар амалий аҳамиятга эга.

**— Айнан қандай?**

— Масалан, 1987 йилнинг сентябрида мен Сиэтлнинг бошқа врачлари қаторида бу ерга келган эдим. Биз Тошкентдаги 1-кўп профилли клиник касалхонада, ТошМИ кафедраларида бўлдик, хирургияга оид ва СПИДнинг олдини олишга доир лекциялар ўқидик.

Мутахассисларингизнинг тажрибаси ҳам бизни жуда қизиқтирмоқда. Улар кўпгина йўналишларда салмоқли муваффақиятларга эришдилар. Дарвоқе, ўтган йили Сиэтл Тошкент врачлари делегациясини қабул қилган эди. Улар бизнинг еттита касалхона ва госпиталимизда бўлдилар. Вашингтон штати университетидаги мунозараларда қатнашдилар. Бундай учрашувларнинг фойдаси гоят катта. Чунки ҳар қандай мамлакат мутахассисларининг ёлғиз ўзлари бирон-бир муаммони ҳал этишда муваффақият қозонишлари мумкин, деган фикр мутлақо нотўғридир. Мулоқотлар, турли нуқтаи назарлар, ютуқларни умумлаштириш — булар тараққиёт омилларидир.

Бу шунчаки қуруқ сўзлар эмас. Болалар юқумли касалликлари кафедрасининг профессори Ш. Хўжаев билан учрашув биз, америкалик врачларнинг ҳамкасида зўр таассурот қолдирди. Унинг рад этиб бўлмайдиган далиллари, гоят бой тажрибаси эпидемиологиянинг гоят жиддий муаммолари тўғрисида суҳбатлашиш имконини берди. У Американинг шу соҳада олиб борган кейинги ишларини жуда яхши билар экан. Унинг кафедрасида гепатит каби жиддий касалликни даволашда қўлланилаётган методлар бизни қизиқтирмоқда...

**— Доктор Доун, илтимос, ўз ҳамкасбларингизни таништирсангиз...**

— Буларнинг уччаласи ҳам менинг ватанимда яхши маълум. Б. Николас Сиэтл муниципалитети соғлиқни сақлаш бўлимига бошчилик қилади, Ч. Нолан шу муассасада юқумли касалликлар бўлимининг раҳбари, Д. Гейл эса Вашингтон штати университетининг профессори .Уларнинг ҳаммаси оғир касалликларни, айниқса гепатитни даволашга ихтисослашмоқдалар. Совет ҳамкасбларимиз уларнинг методикаси билан қизиқиб танишдилар, деб умид қиламан. Биз бир қанча лекциялар ўқишни, палаталарда бўлиб, беморлар билан суҳбатлашишни мўлжалламоқдамиз.

**— Сиз қайта қуришимиз тўғрисида, америкаликларнинг унга муносабати ҳақида саммий сўзлар айтяпсиз. Лекин ҳали бизнинг муаммоларимиз, шу жумладан медицинадаги муаммоларимиз кўп. Сиз соғлиқни сақлаш системамизнинг аҳволига қандай баҳо берасиз?**

— Бу оддий савол эмас. Қатъий фикр билдирмоқчи эмасман, чунки ҳар қандай баҳонинг камчилиги бўлади. Мана, тошкентлик ҳамкасбларимиз суҳбат чоғида келтирган бир тарихий факт. Революция ғалабасидан кейин Тошкентда биринчи қурилган касалхона айни мана шу касалхона бўлган экан. Ўша пайтдан буён врачларингиз терлама, ўлат, безгак, полиомиелит каби касалликларни енгдилар. Хилма-хил кўринишдаги гепатит ҳам худди шундай мағлуб бўлишига ишончим комил.

**— Тошкентга тез-тез сафар қилиб туриш биродарлашган шаҳарлар комитетининг аъзоси сифатида доктор Доуннинг вазифасими?**

— Тинчлик боғини барпо этиш учун биринчилардан бўлиб Тошкентга келганимдан фахрланаман. Эндиликда, Руставели кўчасидан ўтиб бора туриб, унга суқланиб боқаман. У ерда одам доим гавжумлигидан хурсандман. Зотан, Ўзбекистон пойтахтига тез-тез сафар қилишимнинг боиси бор... Биродарлашган шаҳарлар комитетининг топшириқларини ҳам олганман, совет кишиларини яхшироқ билишга доимо интиламан, бунинг устига Тошкент менга ёқади. Биласизми, баъзида мен тошкентликларнинг чеҳраларига назар ташлаб: Тинч океан соҳилидаги Сиэтлдаманми ёки Ўрта Осиёнинг марказидаманми? деб қоламан. Ўзбекистон пойтахтининг кўп миллатлилиги мени мафтун этмоқда. Ер сайёраси мана шундай аҳил, ҳушчақчақ бўлиши керак. Яна бир нарсани айтмоқчиман. Сизларнинг шаҳрингизда менинг дўстларим кўп. Шундай дўстларимнинг бириникида яшаяпман. Бironта ҳам зўр меҳмонхона дўстнинг хонадонига тенглаша олмайди.

**Л. ЛЕВИН,**
**ЎзТАГ мухбири.**

• *Редакцияга хат*

# ЧЎПОНГА ҲАМ ҒАМХЎРЛИК КЕРАК

Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни тубдан яхшилашга партия ва ҳукуматимиз ҳамиша жиддий эътиборни қаратиб келмоқда. Ҳақиқатан ҳам жойларда амалда шундай қилиняптими? Балки республикамизнинг йирик шаҳарларида, қишлоқларида бу иш яхши йўлга қўйилган бўлиши мумкин. Бироқ узоқ қишлоқларда, чорвачилик районларида ҳали медицина хизматини яхшилаш соҳасида кўп иш қилиниши лозим. Бунга бизнинг хўжалик мисол бўла олади.

Совхозимиз район марказидан анча олисда — Кегайли районидаги Куйбишев номли совхоз билан ёнма-ён жойлашган. Бу ерда биттагина амбулатория ишлаяпти. Унда битта врач, бир неча ҳамшира чўпонларга ва уларнинг фарзандларига медицина хизмати кўрсатишади.

Чўпонлар ва бошқа мутахассисларнинг асосий қисми ўғил-қизлари билан район марказидан олисда, Қизилқум ичкарисида меҳнат қилишади. Энг яқин яйлов совхозимиз марказидан 150—180 километр нарида. Устига -устак совхозимиз марказидан район марказигача 50—60 километр масофа бор. Ана шундай шароитда чўпонларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Айниқса, ҳомиладор аёлларни туғуруқхонага олиб бориш муаммо бўлиб қоляпти.

Совхоз амбулаториясига биркитиб қўйилган «Нива» автомашинаси 8 ойдан бери бузуқ. Эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари етишмаслигидан тўхтаб турибди. Бузуқ машина билан Қизилқумдаги фермаларга, яйловларга қандай бориб, қандай хизмат кўрсатиш мумкин?! Наҳотки, бу ҳақда Қорақалпоғистон АССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, қолаверса Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги мутахассислари ўйлаб кўришмаса? Бу ишда район марказий касалхонасининг бош врачи Т. Хожимуротов ҳам, район ижроия комитети раиси Д. Хўжамуротов ҳам лоқайдлик қилиб, ёрдам беришни пайсалга солмоқда. Ахир, чўпонга ҳам саломатлик керак-ку.

Менимча, чўпонларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш учун «Нива» машинаси эмас, балки УАЗ-469» янги машинаси биркитилиши керак.

**Султон САДЕШОВ,**
**Қораўзак районидаги «Қорақалпоғистон АССР 40 йиллиги» қорақўйчилик совхозининг техника хавфсизлиги бўйича инженери.**

## «ОЙНАВАНД ДАЛА» НЕЪМАТЛАРИ

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхози миришкорлари теплицаларда мўл ҳосил етиштирдилар. Улар айни кунларда эл дастурхонига кўплаб сабзавот ва мева маҳсулотлари етказиб беришмоқда. Шу билан бирга шаҳарликларга кунига юзлаб килограмм сара лимон ҳам тортиқ этишяпти. «Ойнаванд дала» неъматларининг мўл-кўллигига моҳир цитрусчи Анвар Мирсоатов баракали ҳисса қўшаётир. У бор маҳоратини ишга солган ҳолда ҳалол меҳнат қилиб, ҳар квадрат метр лимонзордан 20 килограммдан ҳосил олишга муваффақ бўляпти.**

**Суратда: пешқадам цитрусчи Анвар Мирсоатов лимонзорда.**

**М. НАЗАРОВ фотоси.**

## ТАРАДДУД

**✦ ФАРҒОНА. Ўзбекистон районидаги «Пахтақайнар» колхози пахтакорлари ўтган хўжалик йилида 1411 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди.**

**Колхоз пахтакорлари бу йил 40 центнердан ҳосил олиш мақсадида қишки тадбирларни уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. Шу кунларда пайкалларда иш қизғин. Ариқзовурларни тозалаш, ерларга яхоб бериш, далага маҳаллий ўғит чиқариш ишлари авжида.**

**Бу ишлар барча бригадаларда намунали ташкил қилинган. Айниқса, 40-45 центнерчи бригадалардан С. Маҳкамов, А. Бўстонов, О. Қурбонов, Л. Юсупова бошлиқ бригадаларда ферма ва хонадонлардан кунига 15—20 тоннадан маҳаллий ўғит дала бошига олиб чиқиляпти.**

**М. ДАВРОНОВ.**

## БИЛАСИЗМИ...

**Хитойга ҳар йили геологик фалокатлар 7 миллиард юанлик зарар келтиряпти.** Ер қимирлаш, сел, ўпирилишлар ва тош кўчишлар энг кўп вайронгарчилик келтирувчи табиий офатлар ҳисобланади, булардан ХХРнинг шимолий-ғарбий регионида айниқса катта талафотлар кўрган, деб хабар беради «Жэньминь жибао» газетаси. Геологик офатлар мамлакатнинг икки юз шаҳар ва уезднинг атрофида ерларнинг ёрилишига олиб келди. Жумладан, қадимий Хитой пойтахти, Шэньси вилоятининг маъмурий маркази — Сиань атрофида ўнта йирик дарз пайдо бўлди, улар кўплаб шаҳар биноларига хавф солмоқда. Кейинги йилларда ер ости сувлари сатҳининг бирдан пасайиб кетиши Хитойнинг қатор аҳоли пунктлари «тоб ташлашига» олиб келди. Булар жумласига, деб таъкидлайди газета, Ухань, Шанхай, Нинбо ва Тяньцзинь каби катта шаҳарлар киради.

**Техас штатидаги Маккук шаҳрининг халқ кутубхонасида фантаст-ёзувчи Герберт Уэллснинг китоби йўқолгандан сўнг орадан 18 йил ўтгач, яна жавондан ўз жойини олди.** Кутубхонага посилка келди, ундан ҳайрон бўлган ходимлар Уэллснинг китобини олишди. Китоб орасига қўйилган хатдан «йўқолган»лиги аллақачонлар унутилган китоб Римда топилганлигини билишди. Лос-Анжелесда истиқомат қилувчи Рональд Склэйвер китобни Римдаги букинист дўконидан сотиб олибди, «Афсуски, «Вақт машинаси» яратилмаган, — деб ёзади у кутубхонага, — бўлмаса биз китоб қандай қилиб Римга келиб қолганлигини билиб олган бўлардик».

(ТАСС).

• *Мухбиримиз зилзила рўй берган жойда*

# ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ

**Газетамизнинг олдинги сонларидан бирида Арманистоннинг зилзила рўй берган районлари доирасида жамоатчилик мухбирлар пунктимиз ташкил этилганлиги ҳақида хабар бергандик.**

**Еревандан қайтишим олдидан пунктга кириб, жамоатчи мухбиримз Саркис Арутюнян билан хайрлашмоқчи бўлдим. У ўша пайт телефонда — Тбилисидаги 1-шаҳар клиник касалхонаси билан гаплашаётган экан.**

— Касалхона бош врачининг ўринбосари З. Бараташвили билан гаплашдим, — ҳикоя қилди у трубкани қўйгач. Тбилисида арман халқининг янги фарзанди туғилибди. Кироваканлик Римма Бабаян-Арзумуняннинг зилзилага қадар икки ўғли бўлиб, эри билан яна бир фарзанд — қиз кўришни ҳавас қилиб юришаркан. Ниятларига етишибди. Римма Тбилисига эвакуация қилингандан сўнг бугун у ерда «кўзи ёриб» — қизалоқ кўрибди. Эри эса зилзила куни жароҳат топиб, ҳозир шу ерда — Ереванда касалхонада экан. Адресини олдим, вақтинг бўлса, юр, икков бориб, суюнчи оламиз...

Учишимга ҳали тўрт соатдан кўпроқ вақт бор эди. Рози бўлдим.

— Афсус, — дея гап бошлади Ашот Бабаян. — Шодлигимиз халқ бошига тушган кулфатли кунларга тўғри келди. Шаҳримизнинг буткул бинолари қулаб тушаётган даҳшатли манзара ҳали кўз олдимда. Оёғим синиб, бу ерга келганимдан буён ўғилларим ҳам шу ерда — касалхонада эканлигини биландиму (улар зилзила чоғи мактабда жароҳат топишган), Риммадан хабарсиз эдим. Хайрият, тирик экан... Бунинг устига қизлик бўлибмиз. Хушхабар учун, кўнгил сўраб келганларингиз учун минг раҳмат...

— Римма ўзи яхшимикан? — беихтиёр юзланди у Арутюнянга.

— Яхши, — жавоб қилди Саркис Седракович. — Ўзи ҳам, қизалоғи ҳам сог-саломат. Айтишларича, улар у ерда ёлғиз эмас. Ленинакан, Спитак, Кировакан ва бошқа шаҳарлардан ҳам ўнлаб ҳамюртлари билан бирга... Ҳаммаси жойида.

— Раҳмат. Хотиржам бўлдим. Қизимга ҳали исм ҳам қўйилмагандир. Лекин ҳозир энг муҳими — арман халқи тарихи ва анъанасини келгусида давом эттирувчи ўғил-қизалоқлар орасида бизнинг ҳам қизимиз бор... Ҳаёт давом этади...

Ашот билан хайрлашиб чиқар эканмиз, касалхона даҳлизида келаётган ҳамшира қиз сўраб қолди.

— Сиз Тошкентданмисиз?

— Ҳа.

— Мен Ростовликман. Илгари Тошкентда анча муддат ишлагандим. Бошингиздаги дўппи кўзимга иссиқ кўринди...

— Ҳозир шу ерда яшаяпсизми?

— Йўқ, ёрдамга келдик... Марҳамат, киринглар, — қаршимиздаги палатага таклиф қилди у. — Биз ростовлик врачлар даволаётган кишилар билан ҳам учрашингизлар...

Палатада Самвел Сардарян бири-биридан ширин гўдакларини эркалатиб ўтирарди. Ёнида Самвелнинг онаси ҳам бор. У ўғли ва набираларини омон сақлаб қолиб, уларни бу ерга олиб келган дўстлари ҳақига кексаларга хос эзгу-ниятлар билдирар, тинмай кўз ёши қиларди.

Сардарянлар оиласи Спитакдан. Ўша фожиа юз берган соатларда оила аъзолари турли жойларда, турли ишлар билан банд эди. Она — набиралари билан уйда, ота — Грант Сардарян ва ўғли Самвел келини билан ишда эди.

— Мени бу ерга олиб келганда, — сўз бошлади Самвел, — туғишганларимнинг тириклигидан умидимни узгандим. — Тўғриси энди мени яшаш қизиқтирмасди. Уч кун олдин ёнимга Ереванда-ги 169-мактабнинг биология ўқитувчиси Маргарита Минасян деган аёл кириб келдию, отамнинг тирик эканлигини хабар қилди.

— Фожиа рўй берган кундан бошлаб, қулфатга учраганларни қутқарувчи кўнгиллилар қаторига қўшилдим,— дейди М. Минасян. — Самвелнинг олдига биринчи бор кирганимда аҳволи оғир, туғишганлари номини айтиб алаҳсирар, гаплари пойма-пой эди. Шу орада оиласи аъзолари: болалари, онаси, хотини ва укаси номларини ёзиб олдим. Касалхоналар бўйлаб излашга тушдим...

Ҳозир Спитакда Сардарянлар уй-жойи ўрнида катта бир уюм хароба бор, холос. Онаси Самвелнинг икки жажжи фарзандини қутқариб қолишга улгурди. Аммо хотини ва укаси қаерда эканлиги ҳали номаълум ...

Ҳар қалай Сардарянлар авлоди йўқ бўлиб кетмади. Йиллар ўтиб, Спитакда яна ўнлаб, юзлаб Сардарянлар туғилишига, келгусида улар янги Спитак қуришларига, фалокатда ҳалок бўлган минглаб ҳамшаҳарлари ўринларини тўлдиришларига ишончимиз комил эди.

...Касалхонанинг туғруқхона бўлимига таклиф этишди. Кираверишдаги биринчи палатада ўн кун олдин фарзанд кўрган ёш оналар — Маринэ Саркисян билан Лусенэ Азарян ётишибди. Уларнинг бири — Ленинакандан, бири — Кировакандан. Ҳамшира қўлимиз «қуруқ»лигини кўриб, улар учун республика болалар фонди штаби томонидан ажратилган ёрдам — чақалоқларга кичкина уст-бошлик тугунчаларни эгнимиздаги оқ халатлар чўнтагига солиб қўйди ва ичкарига бошлади.

Эндигина 18—19 ёшга кирган, юзлари зилзила даҳшатлари ва тўлғоқ азобларидан оқариб, кўзлари кортайиб қолган ёшгина жувонлар...

Маринэ ўша куни уйда ёлғиз эди. У тўлғоқ илк белгилар бериши билан кўча телефонидан «Тез ёрдам» чақириш учун ташқарига чиқишга ҳозирланди. Зинадан тушиб ҳам улгурган эдики... у ёғи нима бўлганини билмайди... Лусинэни қайнотаси қутқариб қолди. Машинага чала хоробалар ичидан қўлда кўтариб чиқди.

Иккиси ҳам кўзларини очиб, ўзларини бу ерда — туғуруқхонада кўрдилар. Кўп ўтмай, бири ўғилли, бири қизлик бўлишди.

— Чақалоқларга исм қўйдингизларми?— сўради Саркисян арман тилида. Жавоб бўлмади. Тушунарли, ҳозир бундай саволлар мавриди эмас...

Палатадан уларга сиҳатсаломатлик тилаб, тумбочкалари устига «совға»мизни секингина қолдириб чиқдик. Ким билади дейсиз, балки уларнинг ўғил-қизалоқлари шу жажжи уст-бошлар билан арман тупроғига ўзларининг илк одимларини босар...

Саркис мени аэропортга кузатиб қўядиган бўлди. У — рулда, мен — йўловчи, иккимиз ҳам жим. Ҳаёлимда чақалоқлар... Шунча огир кулфатлар, мусибатлар, жудоликлар ичида Инсон дунёга келди. Гўё у буларнинг ҳаммасига аччиқма-аччиқ иш тутиб, қаётга ташриф буюрди. Демакки, арман халқининг келажаги келди..! Юрт тупроғи жароҳатлари битиб кетиши аниқ! Харобалар ўрнида шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар қад кўтариши, шаксиз.

Ҳаёт давом этади...

**Н. САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

●

**Москвалик врачлар Арманистонда юз берган табиий офатдан азият чеккан кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Яқинда Н. Ф. Филатов номидаги болалар клиник касалхонасида мураккаб операция ўтказилди. Ҳозир врачлар ана шу операциядан чиққан олти нафар боланинг соғлиғи ҳақида қайғурмоқдалар.**

**СУРАТДА: Москва шаҳар бош травматологи В. П. Немсадзе бемор Люсине Карапетян ҳузурида.**

**П. НОСОВ фотоси (ТАСС).**

• *Турмуш сабоқлари*

# ЖАРОҲАТ

Аёлга оила осойишталиги, қувончи, қолаверса поклик чарағбони деб қараймиз. Агар аёлнинг ўзи бу эътиқодни бузсачи? Хонадондаги хотиржамлик, ҳалолликка раҳна солсачи?! Унда шу оилагина эмас, бутун олам остин-устун бўлди, деяверинг.

Қишлоғимизда тўрт ўғил-қиз вояга етаётган хонадон бор эди. Оила бошлиғи шофер. Шу касби орқасидан бола-чақа боқиб, уй-рўзғор тебратарди. Чаққон, уддабуррон бу йигит оиласини ошириб-тошириб бўлмаса ҳам бир йигитчалик ҳалол меҳнати билан таъминлаб келарди. Негадир булар оила бекасини қаноатлантирмай қолди. Бир жилвасига бир жўра атлас совға қиладиган «акача»лари кўпайди. Трюмоси олди агир-упа, турли пардоз-андоз безакларига тўлиб кетди. Ялт-юлт кийим-кечаклар:

— Буларни қаердан олдинг, тунови гаплашиб турганинг ким эди?!

— ...

Эр-хотин ўртасида бундай гиди-биди гаплар жуда кўп бўлиб ўтди. Турли баҳоналар билан эрини, болаларини чалгитаётган хотин оила аъзоларига тобора хунук кўриниб борарди. Эри бир кечирди, ўн кечирди...

Охири орият устун келди, хотинига қўл кўтарди. Унга жароҳат етказди. Хотинни касалхонага, эрни эса қамоқхонага олиб кетишди. Суд оила бошлиғини беш йилга озодликдан маҳрум этди. Энди аёлни ёмон йўлдан қайтарадиган, у ҳайиқадиган одам йўқ эди. Аёл истаган кўчасига кириб чиқди. Бу орада катта ўғил ўрта мактабни битириб ҳарбий хизматни ҳам ўтаб келди. Яхши кўрган қизига совчи юборишганди, қизнинг отаси «Ўша беҳаё аёлга келинликка берадиган қизим йўқ», деб туриб олди. Қамоқдан чиқиб келган ота воқеага аралашиб, ўғлини севганига уйлантириб қўйди. Учинчи ўғил эса назоратсиз қолиб кетиб, ўғирликка қўл урди ва қамалиб кетди. Оиланинг иккинчи фарзанди бўйи етиб турмушга чиқиш арафасида яна ишкал чиқди. Қизни севиб қолган йигитнинг отаси «Ўша аёлнинг қизини келинликка оладиган аҳмоқ йўқ» дебди. Йигит отасининг норозилигига қарамай қизни чўлга олиб қочиб кетди. Лекин йигит бармоқ тишлаб қолди: «қуш уясида кўрганини қилади, деганлари рост экан,ота».

Қиз онаси изидан кетди. «Онасини кўриб, қизини ол», деган халқ мақоли ана шундай ҳаётий ҳақиқатлардан туғилган бўлса ажаб эмас.

# САДОҚАТ

Баландчақир қишлоғида яна бир турфа аёллар борки, улар номини эшитганингда яйраб кетасан, киши. Зебинисо Қосимова ва Муҳаррам Маманазаровани қариялар «тупроқ олсангиз олтин бўлсин», дея алқайдилар. Улар садоқатини қўшиқ қилиб куйлайдилар. Жасоратларидан ривоятлар тўқийдилар.

Улуғ Ватан уруши йиллари Зебинисо икки фарзандини бағрига босганича эрини жангга кузатиб қолди. Орадан ҳеч вақт ўтмай, Маматшокир Қосимов икки оёғидан ажраб, урушдан қайтиб келди. Зебинисонинг мисоли иккита боласи учта бўлганди. Мамашокир акани оқ ювиб, оқ таради. У билан 40 йилдан ортиқ бирга-ликдаги қаёти мобайнида фарзандлари ўн иккитага етди. Уларнинг аксариятини олий маълумотли қилишда эр-хотин бир жон, бир тан бўлишди.

Ҳамзаали Маманазаров эса Улуғ Ватан урушига чақирилганида уйланмаган, навқирон йигит эди. Суқсурдай йигит бир қўли ва икки оёғидан ажраб қишлоғимизга кириб келди.

— Ўғлимни уйлантиришим керак, — ташвишга тушди Маманазар ота. — Оила ташвиши, бола-чақа билан овуниб ўз дардини бироз унутармиди... Лекин кимга, ким беради қизини? — дардлашди ҳамқишлоғи Абдусаттор амаки билан.

— Қизим Муҳаррамхон унаса, мен минг бор розиман, — деди Абдусаттор амаки.

Гап Муҳаррамхонга келганда ҳеч иккиланмай шундай деди:

— Ҳамзаали ака урушдан бизни деб ногирон бўлиб қайтди. Энди биз унга фидойилик кўрсатишимиз керак.

Бу шунчаки гап эмасди. Бу ҳақиқий жасорат эди. Муҳаррамхон Ҳамзаалини бахтиёр қилди. Мана, қириқ йилдирки, улар тинч-тотув яшайдилар. Саккиз ўғил-қизни вояга етказишди. Фарзандларининг ўзлари ҳам эндиликда ота-она.

Муҳаррам ая Маманазаровага қаётда осон бўлмади. Ҳамзаали аканинг юзида алам кўрганда куюниб, севинч кўрганда қувониб яшайди. Ҳамқишлоқларимиз Ҳамзаали аканинг бахти Муҳаррамда дейишади. Муҳаррам ая эса умр йўлдоши бахтида ўз бахтини, ҳаёти мазмунини кўради.

Садоқат деб аталмиш кўнгил мулки обод бўлсин. У одамларга бахт ва иқбол ташийверсин!

**А. АБДУҚУНДУЗОВ,**
**Ховос район «Дружба» совхози.**

**Редактор**
**У. УСМОНОВ.**


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги**

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

**24 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА**

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ, НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ ДИРИЖЕРИ М. АШРАФИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИНИНГ ПРОФЕССОРИ**

Абдуғани АБДУКАРИМОВнинг

**ижодий кечаси**

(Абдуғани Абдукаримов туғилган кунининг 60 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 35 йиллигига бағишланади)

**ПРОГРАММАДА**

**БИРИНЧИ БЎЛИМ:**

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ ЕТАКЧИ СОЛИСТЛАРИ ИШТИРОКИДА КОНЦЕРТ

**ИККИНЧИ БЎЛИМ:**

А. ГЛАЗУНОВНИНГ «РАЙМОНДА» БАЛЕТИ ИККИНЧИ КЎРИНИШИДАН САҲНА.

**Билетлар театр кассасида соат 10 дан 20.00 гача сотилади.**

**Справкалар учун телефон: 33-90-81.**

Тошкент давлат циркида

(«Хадра» майдони)

**21 ЯНВАРДАН БОШЛАБ**

**ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА**

**«Денгиз ҳайвонлари» аттракциони**

Оригинал дрессура.

**Ҳайвон ўргатувчилар — ТАТЬЯНА ВА ВАСИЛИЙ ТИМЧЕНКОЛАР.**

**Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.**

**Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.**

**Қишлоқ жойларда яшовчи томошабинларнинг буюртмалари навбатдан ташқари амалга оширилади.**

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-28-04.

**«ИЗЛАШ»**

**Улуғ Ватан уруши вақтида, шунингдек, Афғонистонда интернационал бурчини бажариш чоғида Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг студентлари ва ходимлари ҳалок бўлишган. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига институт территориясида ёдгорлик ўрнатилган, бироқ унда Ватан учун ҳалок бўлганларнинг ҳаммасининг ҳам фамилияси ёзилган эмас. Комсомол комитети ИЗЛАШ ГРУППАСИНИ тузди. Бу группа ҳаммага илтимос билан мурожаат қилади:** агар Сизларда институтнинг ҳалок бўлган студентлари ва ходимлари ҳақида маълумотлар бўлса, қуйидаги адресга хабар қилишларингизни сўраймиз: 700045, Тошкент шаҳри, Оборонная кўчаси, 1-уй, комссмол комитети, «Излаш» группаси.

**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг**

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОХИМИЯ ИНСТИТУТИ

**лабораториялар бўйича вакант вазифаларга**

**КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Илмий ходимлар:** тупроқ генезиси, географияси ва минералогияси (2);

**кичик илмий ходимлар:** шўр босган тупроқ мелиорацияси, тупроқ агрохимияси ва микроэлементлари (2), тупроқ эрозияси ва унинг емирилиши.

**Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.**

Конкурсда қатнашиш учун шахсий ишлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700179, Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 46-09-50, 46-07-23.

●

**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг**

ПОЛИМЕРЛАР ХИМИЯСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

**вакант вазифаларга**

**КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Мудир:** эксперименталтехнология лабораториясига (Чирчиқ шаҳри, фан кандидати);

**илмий ходим:** полимерларнинг химиявий модификацияси лабораториясига юқори молекулали бирикмалар химияси ихтисослиги бўйича (фан кандидати);

**илмий ходим:** ўғлик сифатини яхшилаш бўйича тармоқ лабораториясига (фан кандидати);

**кичик илмий ходим:** полимерлар синтези лабораториясига.

**Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.**

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700128, Тошкент шаҳри, «ЎзССР 50 йиллиги» проспекти, 7«А» уй.

**Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

**КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**доцентлар:** фортепиано, ўзбек тили ва адабиёти;

**катта ўқитувчилар:** фортепиано (2), халқ музикаси (2);

**ўқитувчи:** халқ музикаси;

**кафедра мудири:** маданият экономикаси ва ишлаб чиқариш таълимини ташкил этиш (фан кандидати, доцент).

**Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Високовольтний массиви, 3-сектор, 127«а» уй.

Телефонлар: 62-04-63, 62-03-28.

●

**Театр**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/I да **Юлдузли тунлар**, 14/I да **Забуннисо**, 15/I да **Тақдир эшиги**, (12.00), **Абдулла Қодирийни Утган кунлари** (19.00).

Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти коллективи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор, кечки ва сиртқи факультетлар марксизм-ленинизм кафедрасининг мудири, Улуғ Ватан уруши ветерани

**Туроб ЖУРАЕВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети коллективи Мелиорация бўлимининг бош мутахассиси Ш. Бедиловга отаси

**Ҳожиҳаматулла БЕДИЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


# МУЗТОҒ ҚУТҚАРА ОЛАДИМИ?

● ИНСОН ВА ТАБИАТ

Ер юзидаги нефть резервлари запасининг учдан икки қисмига эга Форс кўрфазидаги (социалистик мамлакатлар запаси ҳисобга кирмайди) кескин сув танқислигини бошдан кечиришмоқда. БМТ экспертларининг ҳисоб-китобларига қараганда, аср охирига келиб нефть князликларида чучук сув запаслари тугар экан.

Нефть шов-шувлари Кўрфаз аҳолисига маъмурчилик келтирди. Денгиз сувини чучуклаштириб берувчи улкан заводлар бинолари ва сув минералари чўл манзарасига уйғунлашиб кетиб, Кўрфаз давлатларининг ўрта асрдан тараққиёт замонига шиддатли сакраш рамзига айланди.

...Ҳали яқин замонларда мешкобчиларнинг тонгдаги бақириқ-чақириқлари пахсали уйлардан иборат Ал-Қувайт, Доҳа, Жаҳра шаҳарчалари аҳолисини уйғотарди. Сув эса мешкобчиларга етиб келгунига қадар узоқ йўлни босиб ўтарди. У елканли кемаларда Ироқдан ташиб келтириларди: Табиийки, қашшоқлар бу сувдан баҳраманд бўлолмасдилар. Шу сабабли улар томларга кечаси ёйилган чарм ва матоларни сиқиб сув олишга мажбур бўлишарди. Ҳар бир қувайтликка бир кеча-кундузда салкам 20 литр сув тўғри келади. Кунига 1 миллион галлон сув берадиган биринчи чучуклаштирувчи қурилма 1955 йилда қурилган эди. Ҳозир 6 та кучли завод бир кеча-кундузда 250 миллион галлонгача сув беришга қодир.

Қувайт Кўрфаздаги бошқа мамлакатлар сингари сув истеъмоли бўйича жаҳондаги олдинги ўринлардан бирини (киши бошига 455 литр сув) эгаллайди. Эндиликда сув уловларда эмас, автоцистерналарда ташилмоқда, уйлар томларидан сув тўпловчи қумушранг резервуарлар ўрин олди. Лекин чучуклаштирилган сув қимматга — 100 литри 1 долларга тушмоқда.

Кўрфаз мамлакатларининг ҳукуматлари сув муаммосини ҳал этишнинг янги йўлларини қидирмоқдалар. Ироқ ва Туркиядан дарё сувини келтириш имконияти кўриб чиқилмоқда. Маълумки, Кўрфаздаги уруш ана шу ҳаётий муҳим лойиҳани амалга оширишга имкон бермаганди — энди эса у яна кўриб чиқиляпти. Масалан, Қувайт Дажла ва Фуротдан бир кеча кундузда 2,2 миллион кубометр сувни етказиб берувчи водовод қурилиши имкониятини ўрганмоқда. Бу — ҳозир чучуклаштирувчи заводлар бераётган сувдан икки марта ортиқдир. У чучуклашган сув қанча турса, шунча туради, умуман лойиҳани амалга ошириш бир неча миллиард долларга тушади. Сувдан оқилона, яъни саноат сувларидан қайта фойдаланиш ва бошқа имкониятлар кўриб чиқилмоқда. Сувга эҳтиёж яна бир лойиҳага — Антарктидадан муз тоғларини келтириш режасига қайтишга мажбур этяпти.

**И. КУЗНЕЦОВ,**
**АПН мухбири.**

• *Спорт*

**ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА**

**✦ ГОЛЛАНДИЯ. Бу ерда ўтказилаётган биринчи расмий жаҳон чемпионати иштирокчилари ярим финалга чиқиш учрашувларида иштирок этдилар. Ёпиқ майдонда мини-футбол бўйича ўтказилаётган бу мусобақада совет футболчилари қатнашмаяпти. Учрашувларда эса қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: Голландия — Венгрия — 3:3, Бельгия — Италия — 5:1, Иккинчи группада: Бразилия — Парагвай — 5:1. АҚШ — Аргентина — 3:1.**

**✦ ЛЕНИНГРАД. В. Гранаткин хотира-совғини учун ўсмирлар ўртасида халқаро турнир бошланди: СССР-1—АҚШ — 6:0, ГФР — Бельгия — 0:0, СССР-2 — ХХР — 2:0.**

**✦ ЗОМИН.** Район кубоги учун ўтказилган мусобақада «Тараққиёт» совхози командаси бош совринни қўлга киритди. «Ударник» ҳамда «Зомин» совхозларининг футболчилари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

• *Тингланг, томоша қилинг*

**ТЕЛЕВИДЕНИЕ**

**13 ЯНВАРЬ, ЖУМА**

●

**МТ-I.** 7.00 — «120 минут». 9.05 «Кулаётган киши». Бадиий фильм. 3-серия. 10.30 — Концерт. 11.30 — Янгиликлар. 11.40 — Славьян ёзуви ва маданияти байрами. 12.50 — Халқ ижодиёти. 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 18.50 — Болалар учун фильм. 17.35 — Ҳужжатли фильмлар. 18.15 — Концерт. 18.50 — Мультфильмлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Интерсигнал. 20.00 — Шеърият лаҳзалари. 20.05 — Кулаётган киши». Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Шундай бўлганди». 22.30 — «Детектив ўйини». Телеспектакль. 23.45 — Нигоҳ.

**МТ-II.** 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Ўқув кўрсатуви. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — ПТУ ўқувчиларига. 11.35 — «Интерспектр». 12.05 — Инглиз тили. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — «Авропортдаги воқеа». Бадиий фильм, 3-серия. 14.00 — Музикали кўрсатув. 14.55 — Ҳужжатли фильм. 17.35 — Янгиликлар. 17.45 — «Тўй». Бадиий фильм. 18.55 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Мультфильмлар. 19.55 — РСФСР шаҳарлари телестудияси. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Э. Москвитина чаладн. 21.00 — Ритмик гимнастика. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Тўй». Бадиий фильм. 23.25 — Янгиликлар.

**ЎзТВ-I.** 15.00 — «Қизлар ва оналар». Бадиий фильм. 16.30 — «Золушка». Балет. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Кинолавҳа. 18.20 — Концерт. 18.45 — Уруғчилик — саноат асосида. 19.15 — «Бизнинг Чиғиз». 20.00 — Ахборот. 20.20 — Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Янги ўйин учрашувлари. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Янги ўйин учрашувлари (давоми). 23.35 — «Маҳбубамга аталган уч лимон». Бадиий фильм.

**ЎзТВ-II.** 19.30 — Ҳужжатли фильмлар. 20.15 — Янги ўйин томошалари. 21.15 — Оқшом эртаклари. Фрунзе. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Янги ўйин сайли. 22.55 — «Антон Ивановичнинг жаҳли чиқяпти». Бадиий фильм.

**РАДИО**

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — О. Ҳотамов куйлайди. 9.45 — Қайта қуриш: мувммолар ва ечимлар. 10.15 — Ёзувчилар — микрофон олдида. 11.15 — «Юность». 12.10 — «Ўзбекистон бинокори». 12.30 — Бахтиёр Алиев куйлайди. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Кинофильмлардан куйлар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — «Ясная Полянадаги мактаб». Ҳикоя. 15.50 — Концерт. 16.00 — Дўстларимиз овози. 18.15 — Бизнинг социалистик турмуш тарзимиз. 18.30 — Яллалар. 18.40 — «Ленинча дўстлик байроғи остида». 19.20 — «Огонёк». 20.15 — Касаба союзларининг фаолият доираси. 20.30 — Совет экрани куйлари. 20.45 — Халқаро аҳвол: сазоллар ва жавоблар. 21.15 — Концерт. 23.10 — Бугун радиотеатрда. 00.10 — Тунги музикали программа.


«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-15-20, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 11519. Б. — 11. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12